

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Турдиева Ойдин

ЭРОН ФОЛЬКЛОРИ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент – 2020

УЎК: 82.0 (55)

КБК: 83.3 (5)

Т – 88

Ф.Ф.Д. Турдиева Ойдин

Эрон фольклори: Ўқув қўлланма. О. Турдиева. – Т.: 2019

Бадиий адабиёт халқ оғзаки ижодидан бошланади. Бинобарин, адабиёт тарихининг биринчи қисмини фольклор ташкил этади. Эрон фольклори жсанрлари ранг-баранглиги, гоявий мазмун сержилолиги билан дикқатни тортади. Унда кичик жсанрлар, эртак, латифа, мақол, зарбул масал, маталлардан ташқари катта жсанрлар – халқ достонлари ҳам салмоқли ўрин тутади. Уибу ўқув қўлланмада эрон фольклорининг турли жсанрлари тадқиқи акс этган бўлиб, унинг ўзбек фольклори билан қиёсий таҳлили, тарихий асослари хусусида сўз юритилади.

Мазкур ўқув қўлланма фольклоршунос ва этнограф олимлар, халқ оғзаки бадиий ижоди бўйича тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчилар, шарқшунослик институти магистр талабалари ҳамда шарқ халқларининг номоддий мероси дурдоналари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари доктори
профессор **Абдураҳим Маннонов**

Такризчилар:

филология фанлари доктори
профессор **Жаббор Эшонқул**
филология фанлари доктори
доцент **Дилафруз Мухиддинова**

КИРИШ

Эрон халқ оғзаки ижодининг ўрганилиши. Жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири ҳисобланган ҳозирги Эрон ҳудудида яшовчи халқлар Ипак йўли ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа халқлар сингари дунёдаги энг қадимий, тарихи олис асрларга бориб тақаладиган шаҳарсозлик маданияти, бадиий тафаккурнинг мислсиз ривожига замин бўлган бебаҳо маънавий қадриятлар ижодкори ҳисобланади.¹ Бинобарин, Эрон минтақаси халқларининг оғзаки бадиий ижодининг тарихий асослари қадим замонларда яшаган аждодларнинг архаик тасаввурлари асосида юзага келган мифологик эпосга бориб тақалади. Бу ҳудуд халқлари бадиий даҳосининг бениҳоя улкан салоҳияти туфайли яратилиб, асрлар давомида бугунги кунга қадар ўзининг қадрини йўқотмай келаётган “Минг бир кеча” эртакларига асос бўлган *هزار افسانه*² сингари халқ эртаклари инсоният маънавий маданий меросининг нодир дурдоналари сифатида Шарқу Ғарб халқлари маънавиятининг ривожига катта ҳисса қўшиб келган. Эрон фольклори бошқа шарқ халқлари фольклори сингари ўз халқи дунёқарашини, маънавий оламини ўзида мужассамлаштирган буюк қадриятлардан биридир. Минг йиллар давомида яратилиб, бадиий жиҳатдан сайқалланган форс сўз санъати намуналарида эзгулик, ҳалоллик, гўзаллик, садоқат, адолатни тарғиб қилиш каби умуминсоний қарашлар ўз ифодасини топган. Эрон фольклори дунё халқлари фольклорининг эпик анъаналари билан бевосита алоқадорликда ривожланиб, тараққий этиб келган. Мазкур мақола мана шундай бой ўтмишга эга бўлган эрон халқ оғзаки ижодининг ўрганилишига бағищланган.

Эрон халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва ёзиб бориш тарихи узок даврларга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда бу ишнинг дебочаси Сафавийлар даврининг етук олими Оғо Жамол Хонсорий номи билан машҳур Муҳаммад ибн Ҳусайн Хонсорийнинг *كُلُوم نَنَهْ* يا *عَقَائِد النِّسَاءِ* “Кўлсум нане ёхуд

¹ Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари. Маколалар тўплами. Маматқул Жўраев. 2019 йил. 8-б.

² Кўпчилик олимлар, хусусан австриялик шарқшунос Йозеф барон фон Гаммер-Пургшталь Абул Фараж ибн ан-Надимнинг манбаларидан далил келтириб “Минг бир кеча” эртакларини қадимги форсий тилда яратилган *هزار افسانه* эртакларининг Аббосийлар даврида маҳоратли араб таржимони томонидан қилинган ва қайта кўчиришлар жараёнида муңтазам равишда тўлдириб борилган таржимаси деб хисолаган.

аёлларнинг ишонч-эътиқодлари” деб номланган асари билан бошланади. Олим ўз замонасининг аёллари ишонч-эътиқодларини тўплаб ушбу асарни яратган. Манбаларда келтирилишича Хонсорийнинг мақсади фольклор намуналарини тўплаш эмас, балки ўзларини ниҳоятда доно деб ҳисоблаган ўша давр Исфаҳон аёлларининг ирим-сирим, жоҳилиятини фош қилиш бўлган. Асар ҳажвий, киноявий услубда ёзилган бўлиб муқаддима, ўн олти боб (ғул, таҳорат, намоз, рўза, никоҳ кечаси, аёлларнинг тугруқ жараёнлари, ҳаммомга бориш, турмуш ўртоғи билан муомала қилиш, кўз текканда тумор ва кўзмунчоқлар тақиши, махрам ва номаҳрам, дуо ижобатига доир, меҳмон келишига ва шу кабилар баёнига доир) ва хотимадан иборат. Китобда ўша давр аёллари ўз ҳаётида қаттиқ ишониб, эътиқод қилиб турмушларига тадбиқ этадиган ишонч-эътиқодлар ҳақида истеҳзо билан ёзилган. Шундай бўлса-да, Хонсорийнинг мазкур асари Эронда фольклор намуналарини тўплашдаги илк иш ҳисобланади. Ундан кейин узоқ йиллар мобайнида бу каби ишлар амалга оширилмаган. Носируддиншоҳ Қожор даврига келиб эса форс адиби, шоири ва таржимони, форс тили грамматикасининг отаси Мирза Ҳабибулла Исфаҳоний (1835-1893 й.) кўплаб халқ иборалари ва фольклор асарларни тўплашга муаваффақ бўлди.

Мирза Ҳабибулла Исфаҳонийдан кейин 1932 йилда таниқли адид, лингвист ва жамоат арбоби Али Акбар Деххудо (1879-1959) “امثال و حكم” (“Мақоллар ва маталлар”) китобини нашрдан чиқарди. Тўрт жилдан иборат мазкур китобда 50 мингта яқин мақол ва маталлари тўпланган бўлиб, мақоллар алифбо тартибида берилган ҳамда Деххудо ҳар бир мақол ва маталларга изоҳ, шарҳ келтириб ўтган. Али Акбар Деххудо кичик ёшидан бошлаб мақолларга жуда қизиқсан ва уларни тўплашни бошлаган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, китобнинг жуда катта қисмини (деярли 97 % ини) мумтоз форс адиблари ҳамда форсийзабон адиблар томонидан ёзилган, яъни муаллифларга тегишли ҳикматли сўзлар, адабий мақоллар эгаллайди ва китобнинг факатгина 3 % и халқ мақолларига ажратилган.

Буларндан ташқари эронлик олим Сайд Али Мирниё томонидан жамланган ва 1990 йилда чоп этилган “فرهنگ مردم”³ номли асарини ҳам келтириб ўтиш жоиз. Унда эрон фольклорининг кўплаб намуналарини – миллий байрамлар, расм-руслар, куй-қўшиқлар, маросимлар, қадимги афсона ва эртаклар, мақол ва ҳикматли сўзлар каби қатор жанрларни кўришимиз мумкин.

Эрон фольклори намуналарини тўплаб нашр эттириш нафақат эронлик, балки хориж шарқшуносларининг ҳам дикқат марказида бўлиб келган. Хусусан, рус шарқшунос олими Валентин Алексеевич Жуковский ўзининг “Эрон халқ оғзаки ижоди намуналари” номли асарида форс халқининг маросим қўшиқлари, аллалар, топишмоқлар, турли хил бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарини расмлар ва портретлар билан жамлаб таржима қилган.⁴ А. Жуковский эрон халқ оғзаки ижоди тил, шакл ва мазмун мундарижаси жиҳатидан ҳанузгача тўлиқ тадқиқ этилмаган соҳалардан ҳисобланишини, Ходзъко томонидан 1842 йилда “Форс халқ шеърияти намуналари” асари бу турдаги илк изланишлардан бир эканлигини, бироқ бу салмоқли ишда соф форсийга оид жуда ҳам кам жой ажратилганини афсус билан таъкидлайди. Ва ўзининг асарида келтирилган эрон халқ оғзаки ижоди намуналарини 1883-1886 йилларда Эронда (ўша пайтларда Персия) истиқомат қилган даврлар мобайнидаги Техрон, Исфаҳон, Шероз каби шаҳарлару улардан узоқда жойлашган қишлоқларда юриб ёзиб олинганини айтиб ўтади. Жуковский шу йўсинда жамланган материалларни беш бўлимга бўлади:

- 1.Кўшиқчи, мусиқачиларнинг ашулалари
- 2.Тўй-маросим қўшиқлари
- 3.Аллалар
- 4.Топишмоқлар
5. Турли мазмундаги халқ оғзаки ижоди намуналари

³ سید علی میرنیا. فرهنگ مردم. تهران 1990

⁴ “Образцы персидского народного творчества”. СПб., 1902.

Рус шарқшуносларидан Александр Ромаскевичнинг “Форс миллий түртликлари”⁵, Москвадаги шарқшунослик институти профессори Роман Андреевич Галуновнинг қаламига мансуб анъанавий форс театри, хусусан қўғирчоқ театрига бағишлиланган “Паҳлавон Качал”⁶, “Хейме шаб бози”⁷ асарлари ҳамда “Зурхоне”⁸ асарлари, Иван Иванович Зарубиннинг “Балуж ҳалқ оғзаки ижоди ва афсоналари”⁹ асарлари ҳам эрон фольклорига оид қилинган қимматли ишлар ҳисобланади.

Яна бир рус шарқшунос олимни И.С.Брагинский¹⁰ 1984 йилда Москвада чоп этилган “Иранское литературное наследие” асарининг биринчи бобида Марказий Осиё ва Эрон ҳалқларининг энг қадимги тасаввурлари ва уларнинг ҳалқ оғзаки ижодига таъсири масаласини таҳлил қилган.

Булардан ташқари Европа шарқшуносларидан даниялик шарқшунос эроншунос олим Артур Кристенсенning “Форс қиссалари тўплами”¹¹, британиялик дипломат ва тарихчи Жон Гордон Ларимернинг “Форс қиссалари”¹², француз эроншуноси Ҳенри Масининг “Форс қиссалари”¹³, бельгиялик шарқшунос олим Август Бриктонинг “Форс қиссалари”¹⁴ ҳам шу турдаги ишлар жумласига киради.

1959 йилда форс этнографи ва олимни Абулҳусайн Найирийнинг “Фольклор” номли асари чоп этилди. Унда олим эрон фольклорига оид ишларни амалга оширган маҳаллий олимлардан ташқари юқорида номлари зикр этилган хорижлик шарқшуносларнинг ишларини санаб ўтади. Бироқ олим Оғо Жамол Хонзорий ҳамда Мирза Ҳабибулла Исфаҳонийларнинг фольклор борасидаги ишларини ҳисобга олмаган кўринадики қўйидаги фикрларни айтиб ўтади: “1902 йилга қадар

⁵ Персидские народные четверостишия. Санкт-Петербург. 1916/ А. Ромаскевич 1912 йилда Эронга ўюштирилган 3 йиллик сафари давомида форс тилини мукаммал ўзлаштириб, ҳалқ оғзаки ижодининг улкан намуналари – эртаклар, афсоналар, ҳалқ қўшиқлари, мақол ва маталларини тўплашга муваффақ бўлади.

⁶ پهلوان کچل. گالونو. لنینگراد. 1928

⁷ خیمه شب بازی. گالونو. لنینگراد 1929

⁸ زورخانه . گالونو. لنینگراد 1927

⁹ ولکلور و افسانه های بلوج. زاروین. لنینگراد . 1930

¹⁰ И.С.Брагинский. Иранское литературное наследие. М.1984.

¹¹ مجموعه قصه های فارسی. کریستنسن. کوبنهافن. 1916

¹² قصه های فارسی. لوریمر. لندن. 1916

¹³ افسه های فارسی. پاریس. 1925.

¹⁴ قصه های فارسی . بریکتو. لیبیز. 1910

Эрон фольклорига оид намуналарни тўплаш ва чоп эттиришдек муҳим бир ишни бажаришга доир деярли ҳеч қандай иш амалга оширилмаган эди”.¹⁵ Бироқ юқоридаги маълумотлардан Найирийнинг фикрлари тўғри эмаслиги аён бўлади.

Паҳлавийлар ҳукмронлиги даврига келиб эса (1926-1979) Эронда антропологиянинг асосчиси ва ташаббускори Содик Ҳидоят бўлди. У мунтазам равишда халқ оғзаки ижоди ашула ва қўшиқларини, аллаларни, болалар ўйинларини, халқ ирим-сирим ва ишонч-эътиқодларини йигиб борди ва шу иши билан Эронда биринчилардан бўлиб фольклор ҳақидаги илмий тадқиқотларга асос солди. У Исфаҳон, Шероз, Европанинг кўплаб мамлакатлари ҳамда Ҳиндистонга сафар уюштириб, дўстлари қўмагида 1931-1932 йилларда “اوسانه” (“Афсона”)¹⁶ тўпламини нашр эттириб, халқ қўшиқлари бўйича миллий маънавий бойликларини қайта тиклашга муваффақ бўлди. 1933 йилда эса Техронда унинг фольклорга оид яна бир “نیرنگستان”¹⁷ (бу ўринда “فرهنگستان”, яъни “Академия” маъносида ишлатилган) китоби нашр этилди.

Содик Ҳидоятнинг тадқиқотларидан кейин эрон халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш бўйича Ҳусайн Кухи Кермонийнинг хизматлари ҳам жуда катта. У маориф вазирлиги ҳисобидан Эроннинг Кермон, Бум, Сиржон, Рафсанжон, Язд, Ноин, Кошон, Натанз, Ардестон, Исфаҳон, Бахтиёрий каби шаҳар ва вилоятларига сафар қилди. Бу саёҳатлари натижасида у кўплаб аллалар, дўбайтилар (тўртликлар), достонларни тўплади. 1935 йилда Техронда “Ўн тўрт афсона” ва “Етти юз тарона” китобларини чоп эттирди.

Фазлулла Мўтади Оғо Сўбҳий эса Эроннинг турли нуқталарига, Марв, Самарқанд ва Бухорога саёҳатлар уюштириди ва 1945 йилда унинг “Қадим афсоналар” асари чоп этилди.

¹⁵ عبدالحسين نيري . فولكلور . ص 13.

¹⁶ Бу тўплам эрон халқ қўшиқлари ва халқ эртаклари мажмуаси бўлиб, “Кичкига қизил рўмолча”, “Сичкон оға”, “Шангул билан Мангул”, “Сабр тоши” каби эртакларни ўз ичига олади.

¹⁷ Бу тўпламдан тарли мазмундаги афсона ва ривоятлар, қадимги эронликларнинг тасаввурлари ва ишонч-эътиқодларига сингиб кетган ирим-сиримлар жой олган бўлиб, китоб шунингдек қадимги байрамлар ҳақида, тўй, аза, туш таъбирлари, турли машҳур жойлар ва нарсалар, турли истилоҳлар ва зарбул масаллар, уларни айтиб юришнинг хосияти ва шунга ўхшаш жуда кўплаб халқ оғзаки ижодига доир бўлимларни ўз ичига олади.

Юқорида санаб ўтилган ишлар ичида эрон халқ оғзаки ижодига доир жанрларни тўплашдаги энг сермаҳсул ишлар деб ҳақли равишда Содик Ҳидоят ва Фазлулла Мўтади Оғо Сўбҳийларнинг ишларини ҳисоблаш мумкин. Бу иккиси Эрон фольклорига доир жуда қимматли маълумотларни йиғиб, тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳисобланади.

Ўзбек тадқиқотлари орасида ҳам Иброҳим Худоёр ҳамда Шухрат Муҳаммадовлар ҳаммуаллифлигига чоп этилган “Форсча ўзбекча муштарак мақоллар”,¹⁸ номли рисоласи мавжуд бўлиб, унда ўзбек ва эрон халқ оғзаки ижодининг муштарак бўлган мақоллари, масал, ҳикматли сўзлари алифбо тартибига риоя қилинган ҳолда ўрин олган. Мазкур рисолада тўрт юзга яқин халқ мақоллари, ибратли сўзлари ва ҳикматларини ўз ичига олган бўлиб, ҳар иккала тил эгалари мазкур рисоладан бемалол фойдалана оладилар. Бундан ташқари мазкур рисолада ўқувчиларга қулайлик мақсадида форсча-ўзбекча ҳамда ўзбекча-форсча луғат ҳам келтирилган.

Гувоҳи бўлганимиздек эрон фольклорини тўплаш қадим даврларга бориб тақалади. Бу соҳада нафақат эронлик олимлар, балки хорижлик шу жумладан ўзбек шарқшунос, эроншунос, тарихчи олимлари ҳам талайгина ишларни амалга оширишган. Бироқ бу ишларнинг аксарияти эрон халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва таржима қилишдан иборат бўлиб, уларда форс ва жаҳон халқлари фольклорининг қадимий анъаналари қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганилмаган. Форс ва дунё халқлари фольклорининг алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари, эрон фольклорининг жанрлар таркиби, манбалари ва бадиияти каби масалалар монографик аснода тадқиқ этилмаган. Форс фольклоршунослигидаги бу каби ишлар ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

¹⁸ И.Худоёр. Ш.Муҳаммадов. Форсча-ўзбекча муштарак мақоллар. Тошкент 2002.

1. ФОРС МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ БАЙРАМЛАРИ, УЛАРНИНГ НИШОНЛАНИШИ

Илохий илҳом туфайли яралгани учун фольклор – халқ руҳининг англашмаган ижод маҳсули. Жаҳон халқлари оғзаки ижоди миллатларнинг дунёқараси, ўй-фикрлари, миллий маданиятини ўзида мужассам этувчи манбалардан ҳисобланади.

Хар бир халқнинг ўзига яраша байрамлари, урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган, турли-туман байраму маросимларни кўрамиз. Эрон халқининг пайдо бўлиши тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий байрамлари, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизларга эга. Барча халқларда тарихий ҳодисаларга, миллий ва инсоний ҳодисаларга боғлиқ байрамлари бўлгани каби эронликларнинг ҳам қатор миллий байрамлари мавжуд.

Эронликларнинг исломгача бўлган ана шундай энг қадимги ва гўзал миллий байрамлардан бири **جشن سده** – **сада байрами** ҳисобланади. Барча сақланиб қолган манбаларда бу байрам энг қадимий миллий байрам сифатида тилга олинади. Бу байрам баҳман¹⁹ ойининг 10 санасида нишонланади. Зардўштийлар тақвимига кўра сада қишининг юзинчи куни ҳисобланади. Эронийларнинг қадимий тақвимларида йилнинг 150 куни қиш ва 210 куни ёз кунлари ҳисобланган. Шу асосида баҳман ойининг ўнинчи санаси бўлмиш сада байрами қиш бошланишидан юз кун ўтганига далолат беради. Бошқа томондан зардўштийларнинг эътиқодига кўра шу кундан эътиборан одамлар олов билан ошно бўлганлар, тунни ҳам худди кундек иссиқва ёруғ ўтказа олганлар ва шу сабабдан сада кечасидан кейинги тунларни худди кунлардек ҳисолаганлар. Шу асосида баҳман ойининг ўнинчисидан Наврўз байрамигача, яъни баҳорнинг илк кунигача 50 кун ва 50 тун қолди, яъни бу жами сад – 100 рақамини ташкил қиласди деб ҳисоблашган.

¹⁹ Баҳман – эронликлар шамсий йилининг 11-ойи бўлиб, милодий 21 январдан 19 февралга тўғри келади бў

Абу Райхон Берунийдан келган ривоятларга қараганда бу байрам кечасида қадимги эронликлар зарарни даф қилиш мақсадида аланга ёкиб тутун чиқаришган. Аланга ёкиб, олов айлантириш ва ёввойи ҳайвонларни ҳайдаш, ўйин-кулгу билан вақтичоғлик қилиш бу байрам маросимларининг бир қисмини ташкил қилган. Ҳозирги кунга келиб бу байрам шоду хуррамлик билан ўтказилади. Орадан минглаб йиллар ўтиб кетганига қарамасдан эрон халқи орасида, хусусан зардўшт жамоалари орасида бу байрам ҳали ҳам сақланиб қолган. Бу байрамни ҳозирги кунда зардуштийлар қуидагича нишонлайдилар: Баҳман ойининг ўнинчи санаси қуёш ботиши пайтида қишлоқ аҳолиси ўз уйларининг энг баланд томларига чиқадлар (Күёшнинг бутунлай ботганига ишонч ҳосил қилиш учун). Саҳро буталари, шоҳ-шаббаларни ўзига хос тарзда устма-уст териб чиқадиар. Қуёш кўринмай, ҳамма ёқни қоронғу қоплаши билан хонадон улуғи буталарга олов ёқади. Олов шуълалари ҳавога кўтарилиши билан хонадон ахлининг шоду хуррам овозлари янграй бошлайди. Куруқ шоҳ-шаббаларнинг ўзига хос тарзда чарсиллаб ёниши, қоп-қора тутуннинг осмонга кўтарилиши, ёшу қари, эркагу аёлларнинг олов атрофида айланиб қўшиқ куйлаши садолари байрамга янада шукуҳ бағишлиади. Ёшлар яна биёбонлардан ўтин териб келиб гулханни қиздирадилар. Гулхан атрофида чарх уриб рақсга тушадилар. Гулхан устидан сакрайдилар.

Мамлакат ичкарисидаги – Техрон, Караж, Язд, Кермон, Аҳвоз, Шероз, Исфаҳон зардуштийлари ва мамлакатдан ташқаридаги Европада (Швеция), Америка (Калифорния), Австралия зардуштийлари бу байрамни ҳар йили жуда катта тантана билан нишонлайдилар. Кермон, Язд ва Шерозда бу байрамда бутун аҳоли иштироқ этади, ҳатто маросимни четдан туриб кузатиш ҳам жуда мароқли. Кермонда бу байрамнинг ўтказилиши бутун дунёга машхур. Мамлакат пойтахтида ҳам бу байрам жуда шукуҳли тантана билан нишонланади. Бироқ Техронда бўлиб ўтадиган мазкур байрамда зардуштийлардан бошқалар иштирок этмайдилар.

Қадим даврлардан бошлаб ҳалқ ва диний раҳнамолар мазкур сада байрамини нишонлаш учун катта тайёрғанрликлар қўрганлар. Энг муҳим иш – алангани

ёкиш учун ўтин йиғиш ҳисобланади. Баҳман ойининг тўққизинчи куни, яъни байрамдан бир кун олдин бутун халқ, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак ўз бирдамлигию иттифоқлигини кўрсатиш масадида қуриган бутаю шоҳ-шаббаларни териб, йиғиш учун шаҳардан ташқарига чиқиб кетадилар. Ўтин йиғиб бўлингач, тайёр ўтинлардан конуссимон шаклдаги хирмон ташкил қиласидилар. Бу конуссимон ўтинлар хирмони **сада** номи билан машҳурдир. Мазкур сада хирмонининг диагонали 12 метрдан 14 метргача ва хирмоннинг баландлиги 5 метрдан 9 метргача бўлиши мумкин. Бу байрам жараёнида мазкур хирмонни ёкишгани учун бу маросимни **сада ёкиш** деб ҳам аташади.

Байрам куни эса одамлар ўз касбу корларини, ишларини эртароқ тугатиб, узоқ-яқиндан ўтин тўпланган жойга етиб келадилар. Баъзи минтақаларда бу кунни расмий дам олиш куни деб ҳам эълон қилишган. Дехқонлар ҳам ўз ўрнида маросим охирида ризқ-рўз баракаси учун оташ кулидан олиб кета олишлари учун сада хирмога ўзлари билан ҳеч бўлмаса бир шоҳ ўтин олиб келадилар. Ҳар бир хонадон ерга гилам тўшайди, ожил²⁰ ва турли таомлар тановул қиласидилар, сухбат қурадилар. Ўзига хос байрам дастури ижро этилади: мусиқа чалинади, шоҳномахонлик, ривоятлар айтиш, сахна кўринишлари тун чекиниб тонг отгунча давом этади.

Олов ёкишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бўлиб, оқ рангли либос кийган қўлида машъала тутган мубадлар²¹ Авестонинг оловга мақтов (ҳамд) айтиш билан боғлиқ қисмларини ўқиб хирмоннинг тўрт тарафидан олов ёқадилар. Шундай қилиб қоп-қоронғу тунга иссиқлик ва ёруглик бағишлийдилар. Шундан кейин бутун хирмон атрофи одамлар билан тўлади. Мусиқалар янграб одамлар сада олови сўнгунга қадар хурсандчилик қилиб рақс тушадилар. Сада байрамида халқ ва мубадлар куйлайдиган оловга ҳамд айтиш қўшиғи “Авесто” китобидан жой олган. Бу мақтов 97-ясна деб ҳам аталиб, “Маздаясна” адабиётининг муҳим қисми ҳисобланади. Қуйида шу қўшиқдан парча келтириб ўтилади:

²⁰ Қовурилган писта, бодом, ёнғоқ, ерёнғоқ, қовоқ ва қовун данаклари шундай номланади.

²¹ Зардушт коҳинлари

يٰتا اهو وييريو !
 ستايىش و نيايش،
 و هديه ي خوب و هديه ي آرزو شده،
 و هديه ي دوستانه را آرزو دارم،
 براي تو اى آتش، اى پسر اهورا مزدا
 قابل ستايىش و نيايش هستى،
 قابل ستايىش و نيايش باشى،
 در خانهء مردمان
 خوشخت باشد آن مرد،
 كه تو را بستايد، به راستى فراستايد
 هيزم در دست، برسم در دست
 شير در دست، هاون در دست

(1)

Мактov бўлсин, ҳамд бўлсин
 Яхши ҳадя, кутилган ҳадя,
 Дўстона ҳадяни орзу қиламан
 Сен учун эй Олов, эй Ахурамазданинг ўғли
 Сен ҳамду санога лойиксан,
 Сен ҳамду санога лойиксан,
 Одамларнинг уйидаги
 Сени қўлга киритган, тўғриликка йўналтирган одам
 Бахтли бўлсин.
 Кўлда ўтин, қўлда барсам²²,
 Қўлда сут, қўлда ҳовонча.

(2)

هيزم [برايت] فراهم شود
 بوی خوش فراهم شود
 خورش فراهم شود
 اندوخته فراهم شود
 برنايى به نگاهبانى تو بُواد
 آگاهى به نگاهبانى تو بُواد
 اى آتش، اى پسر اهورا مزدا

(2)

Сен учун ўтин тайёрлансин
 Ёқимли ҳид тайёрлансин
 Сен учун хуреш²³ тайёрлансин
 Захира тайёрлансин
 Ёшлик сени қўриқласин
 Огоҳлик сени қўриқласин

²² Зардўштийларнинг ибодат маросимида ишлатиладиган ингичка хивичлар

²³ Помидор қайласида сабзавотлар билан димланиб тайёрланадиган майда тўғралган гўштли таом

Эй олов, эй Ахирамазданинг ўғли.

(3)

سوزان باشى در اين خانه
بى گمان سوزان باشى در اين خانه
فروزان باشى در اين خانه
شعلمور باشى در اين خانه
به زمانى ديرپا
تا به فرشگرد (رستاخيز) توانا
همچنان تا به فرشگرد تواناي نىك

(3)

Бу уйда ёниб тургин
Шубҳасиз бу уйда ёниб тургин
Бу уйда порлаб тургин
Бу уйда шуъла таратиб тургин
То қудратли қиёмат кунига қадар
Яхши кучлар уйғонгунига қадар
Узоқ муддат ёниб тур.

Эронликларнинг энг қадимги миллий байрамларидан яна бири бу – ҳар йилнинг охирги чоршанба кечаси катта шукуҳ ва тантана билан нишонланадиган **چهارشنبه سورى** – чоршанбе сури байрамидир. Бу байрам янги йил – Наврӯзга бир неча кун қолганда ва йилнинг энг сўнгги чоршанбасига тўғри келади. У кунда эронликлар уйларини тозалашга киришиб кетадилар. Бу ишда эркагу аёл, йигитлару қизлар баб-баравар хизматда бўлганлар. Улар гиламлар, пардаларни, хонадон жиҳозларини тозалаганлар. Уларнинг эътиқодларича уйдаги ҳамма нарса, ҳаттоқи эгнилардаги либосларигача янги йил кириб келгунига қадар топтоза бўлиши керак бўлган. Уй кўтариш маросими ҳозирги кунгача Наврӯз байрамига яқин қолганда ҳамма жойда амалга оширилади. Эронликларнинг бу байрам билан боғлиқ жуда кўп қизикарли маросимлари мавжуд.

Чоршанбе сури байрамининг қадимий ва энг чиройли асосий маросими аланга ёқиб унинг устидан сакрашdir. Бу маросим сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси амалга оширилади. Чоршанбе сури маросимларининг ҳаммаси йилнинг энг сўнгги чоршанба кечасида амалга оширилади. Оловни ҳовлиларига, кўчалар ёки

бир майдонда аланга олдирадилар. Бир нечта буталарни устма-уст қўйиб, унинг устидан сакраш асносида қўйидаги иккиликтин куйлайдилар:

ز ردی من از تو

سرخی تو از من

Бунинг маъноси шуки, касалликлар ва нохушликларни узоққа улоқтирамиз, сиҳат-саломатликни ўзимизда олиб қоламиз. Буталар куйиб, ёниб бўлгач, ундан қолган кулни йиғиб, девор четига тўқадилар. Кулни тўккан киши эшикни қоқиши керак ва ундан уй ичидагилар сўрайдилар:

- Ким у эшик қоқкан? У жавоб беради:
- Менман.

Уй ичкарисидагилар яна сўрайдилар:

- Қаердан келдинг?
- Тўйдан.
- Нима келтирдинг?
- Соғлик, саломатлик.

Чоршанбесури байрамининг яна бир ўзига хос одати бу **козе шкни** – “кўза синдириш” маросимиидир. Унга кўра хонадондаги эски кўзалардан бирининг ичига туз, кўмир ва бир неча тангаларни солиб оиланинг ҳар бир аъзоси бу кўзани бошидан бир айлантириб олиши керак. Охирги киши ҳам кўзани бошидан айлантириб бўлгандан кейин ўша кўзани томдан кўчага қараб улоқтиради ва дейди:

- Бизнинг дарду балоларимиз шу кўзани ичидаги кўчага кетсин!

Қадимдан эронликлар чоршанбе сури байрамида ожил тайёрлаб, тановул қилишади. Чоршанбе сури ожили шўр ва шириндир. Уни мушкулкушо – мушкулларни ечадиган ожил дейдилар. Яъни асли шўр ҳисобланган ожилга бу сафар шафтоли қоқиси ва турشاқ, баргақ, майиз, нўқл²⁴, шакар, пишлоқ ва ёнғоқ мағзини ҳам қўшиб тайёрлайдилар. Бу ожилни тайёрлашни бирон бир муроду мақсадларининг ижобати учун назр, эхсон қиласидилар. Эронликларнинг

²⁴ Шарқ кандолат маҳсулоти бўлиб, шакарли писта, ёнғоқ ва бодом

эътиқодига кўра, бундай ожилни чоршанбе сури кечасида тановул қилиш яхшилик ва баҳт аломати деб ҳисоблайдилар.

Чоршанбесури кечасида ёшлар ва катталар Наврӯз байрами учун олиб қўйган янги лиbosларини киядилар. Кичкина болачаларга ҳам янги лиbosлар кийдирадилар. Чоршанбесурининг шавқу завқи Наврӯз байраминикидан кам эмас.

Эроннинг айrim минтақаларида, хусусан Xуросон ва Озарбайжон қисмида яшовчилар бу байрамда катта дастурхон ёзиб бутун оиласи билан жам бўладилар ва тўрт хил таом тайёрлайдилар. Булар лағмон шўрва, ясмиқ палов, зирк палов, кўкатлар қўшиб тайёрланган палов бўлиб, тайёрланган таомнинг бир қисмини яқин қариндошларига тарқатадилар. Бу маросим худди ўзбек халқининг арафа оши улашиб одатига ўхшайди. Факат ўзбек халқи бундай одатни ҳайит айёмларида амалга оширса, эронликлар Наврӯз арафаларида амалга оширадилар.

Эронликларнинг энг қадими байрамларидан яна бири бу куз фаслининг сўнгги куни (**озар**²⁵ ойининг сўнгги куни) ва қишининг биринчи куни (**дей**²⁶ ойининг биринчи куни)га ўтар кечаси нишонланадиган **شب يلدا – ялдо кечаси** байрамидир. Бу кеча йилнинг энг узун кечаси ҳисобланади. Бу байрамни эронликлар **شب چله يا چهله – чилла кечаси** деб ҳам атайдилар. Қишининг аввалги қирқ кунини “катта чилла”, кейинги йигирма кунини “кичик чилла” деб номлашади. “Чилла” сўзи “қирқ” маъносини билдириб, муайян замоннинг ўтиши маъносини англатади. Қадимги Эронда ялдо кечаси муқаддас тун ҳисобланган, милоддан аввалги 502 йилда Доро I давридан бошлаб қадимги эронликларнинг расмий тақвимига киритилган. Бу байрамда ўтказиладиган маросимлар ҳам қадимдан қолган анъаналардан ҳисобланади. Қадимги эроний халқлар деҳқончилик қилиб юрган кезларда йилнинг айrim кунлари узун ва айrim кунлари қисқа бўлишини, узун кунларда қуёшнинг нурларидан кўпроқ фойдаланиш мумкинлигини мулоҳаза қилишган. Кузнинг охирги куни ва қишининг илк кунидан бошлаб тунлар қисқариб, кунлар эса узайиб боришини

²⁵ Озар– эронликлар шамсий тақвимининг 9-оий бўлиб, милодий 22 ноябрдан 21 декабрга тўғри келади.

²⁶ Дей– эронликлар шамсий тақвимининг 10-оий бўлиб, милодий 22-23 декабридан 20-21 январга тўғри келади.

кузатган ҳолда бу тунни “қуёшнинг туғилиш туни”, яъни “ялдо”²⁷ деб аташган. Қоронғулик Ахриманнинг белгиси бўлиб, йилнинг энг узун тунида Ахриманнинг ёвузлиги янада кучаяди деб ҳисоблаганлар. Бу тунда қадимги эронликлар Ахриманнинг баҳтсизлик келтиришидан қўрқиб, Ахриманни ва ундан келадиган зиённи енгиш ва ун қувиш учун учун олов ёқишиган. Бутун халқ бир жойга тўпланиб, доира куриб ракс тушган, турли таомларни тановул қилиб, сухбатлар куришган. Ҳар ким ўзида бор мевалардан, қуритилган мпвалардан келтириб дастурхонга қўйган. Ялдо туни дастурхони – میزد миязд деб аталган.

Ялдо тунини қуёш, адолат худосининг туғилиш туни деб биладилар ва бу ҳақида ривоятлар ҳам мавжуд. Шулардан бирига кўра айнан шу тунда Митра (Аҳамоний шоҳларидан қолган ёзма манбалар ва Авестога кўра Мисра) дунёга қайтади ва у кун соатларини узайтиради.

Бугунги қуниларга келиб ялдо кечасига икки кун қолганида қишлоқдаги барча оиласлар чилла кечаси чиллажон амаки меҳмон бўлиб уларнинг уйига келишини умид қилиб уйларидағи барча ифлос гилам ва қопламаларни олиб чиқиб ювишади.

Кузнинг турфа мазали мевалари тугаган пайтга тўғри келадиган бу мавсумда эронликлар ялдо кечасида бутун оила аъзолари билан дастурхон атрофида жамланадилар. Бу байрамнинг асосий рамзларидан бири – анор ва тарвуз мевалари бўлиб, хонадон эгалари ушбу байрамга юқоридаги меваларни муҳайё қилишга ҳаракат қиладилар. Ялдо туни дастурхони سفره پلا – сўфрейэ ялдо деб аталиб, у пўстлогидан тозаланган анор доналари, қуруқ мевалар, хусусан шафтоли, ўрик баргаклари, ожил билан безатилган бўлади. Қадимги эронликлар учун қизил ранг қуёш нурлар рамзи сифатида жуда қадрланган. Айнан шунинг учун ҳам дастурхонда анорнинг ва тарвузнинг қип-қизил бўлиб лов-лов ёниб туриши, алвон рангли олмалар ва жийданинг бўлиши аждодлардан қолган анъана давоми ҳисобланади. Йилнинг энг узун тунида қадимдан эронликлар ушбу тунда дастурхон атрофида жам бўлиб ҳар хил мавзуларда гаплашиб ўтиришган, турфа мева-ю ширинликлардан тановул қилишган. Шу билан бирга қадимда ялдо

²⁷ “Ялдо” сўзи қадимги сурёний тилидан олинган бўлиб, “туғилиш” маъносини билдиради.

кечасини ўзига хос мевалар билан хайрлашиш байрами деб ҳам ҳисобланган. Зеро, бу вақтга келиб кузги мевалар ва тарвуз деярли тугаган бўлади. Эронликлар мевалар орасида тарвузга алоҳида эътибор қаратишади. Айтишларича чилла кечаси албатта тарвуз истеъмол қилиш ва унинг пўстлоғини қўшнининг томига ташлаш лозим. Чунки агар қўшнининг тарвуз олишга қурби етмаса унинг пўстлоғини қириб ейди. Эронликларнинг эътиқоди бўйича чилла кечасида ҳар бир одам албатта сабзи, шафтоли, анор ва яшил зайдун истеъмол қилиши лозим. Бу уларни келаётган ёзда газанда ҳашаротлар, айниқса, чаён чаққанида тирик қолишини таъминлайди. Шириналар ва мевалар тановулидан сўнг хонадон катталарининг шоҳномаҳонлик, қиссаҳонлик, Ҳофиз девонидан фол очиш ёки игна билан фол очиш қисмига ўтилган. Игнали фол очиш маросими айниқса, Ҳамадон шахрида ялдо кечасининг энг муҳим маросимларидан бири ҳисобланади. Унда асосан аёллар, қизлар ва баҳти очилишини кутаётган ёш йигитлар ҳам қатнашиши мумкин. Бу маросимга кўра тановул қилинадиган таомлар ва ўйин-кулгулар ниҳоясига етганидан сўнг бир парча ҳали сув тегмаган тоза мато келтиришади ва ёши улуғ аёллардан бири битта шеърни тўлиқ ёддан айтади. Бу вақти кичкина қиз келтирилган матога игна санчади. Йифилганлар ичларида ният қилишади ва ҳар бир шеър якунланганидан сўнг ният қилганлар ўша шеърни ўз ниятига жавоб деб билади. Қуйидаги шеърни фол очища үқишишади:

سر کوچه پسندت کردم ای گل
کوتاه بودی بلندت کردم ای گل
ترش بودی مثل اب لیمو
بمثل خردہ قندت کردم ای گل

جواب: اعتماد و اطمینان داشته باش

سفید مرغی بودم بر شاخ پسته
فلک سنگی زده بالم شکسته
فلک بالی بده پرواز گریم
در دروازه شیراز گریم

جواب : مسافر باز خواهد گشت

بلند بالا به بالات آدم من
 برای خال لبهات آدم من
 شنیدم خال لب هات می فروشی
 خریدارش منم چند می فروشی
جواب: دوست دار حقیقی است
 سحر صبحی برقتم دیدن گل
 بدیدم جفت بلبل شاخه گل
 زبان زرگری می خواند و می گفت
 خدا تاکی کنم صبر و تحمل
جواب: صبر باید کرد
 از کوچه در آمدی و می رقصیدی
 کارد و قمه و کیسه بما بخشیدی
 کارد و قمه و کیسه بما نفتاده
 عید و من و تو به قربان افتاده
جواب: صفارفت و جدایی پیش خواهد آمد
 ستاره آسمان زلزله می کرد
 که یار بر خانه اش جنس پاره می کرد
 نمی دانم خودش بود یا برارش
 شدم دسته گل و رقلم کنارش
جواب: به وصال خواهد رسید

Таржимаси:

Күчада сени ёқтирдим эй гул,
 Кичкина эдинг, ўстирдим эй гул.
 Лимон суви мисоли эдинг нордон,
 Бамисли қанддек қилдим эй гул.

Жавоб: ишон ва дадил бўл
 Писта шохида оқ қушдек эдим
 Фалак тош отди, синди қанотим
 Фалак! Қанот бергин этайин парвоз

Эшикларинг оч менга ей Шероз

Жавоб: мусофири албатта қайтади.

Баланд бўлиб сенинг тепангга келдим мен

Лабларингдаги хол учун келдим мен

Холларингни сотар экансан деб эшитдим

Ўзимдирман харидори, нархи қанча?

Жавоб: чин ошиқдир

Субхидамда бордим кўргани гул

Гул шоҳида сайрар икки булбул

Тилидан учар шундайин нидо:

“Токайгача сабр қилай Худойим?”

Жавоб: сабр қилиш керак

Кўчадан кириб келдинг рақс тушиб

Пичоқ, ханчар ва ҳамён совға қилдинг бизга

Пичоқ, ханчар ва ҳамён бизга тўғри келмади

Мен ва сенинг байрамимиз Қурбон ҳайитига тўғри келди

Жавоб: Айрилиқ келади

Осмонда юлдуз титрарди

Ёр ўз уйида мато йиртарди

Ўзимиди бошқамиди билмайин

Бордим ёнига олиб гулдаста

Жавоб: висолга албатта етишади

Ҳамадон аёллари қизча томонидан матога урилган ҳар бир игнани ҳақиқатдан ҳам уларнинг орзулатини амалга ошишини тасдиқлови деб ишонадилар.

Бундан ташқари, шоҳномаҳонлик ҳам ялдо тунининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Ҳатто олий ўқув юрти ва мактабларда ҳам ялдо туни муносабати билан турли тадбирлар уюштирилади, шоҳномаҳонликлар бўлиб ўтади. Мазкур байрам ҳозирги кунда Афғонистонда, Покистоннинг айрим қисмларида, Шимолий Ҳиндистон ва Кашмирда ҳам нишонланади.

Ушбу байрам Эроннинг турли минтақаларида ўзига хос, бир-биридан фарқ қиласидиган маросимлар билан нишонланади.

Масалан Хурросон минтақасида ушбу чилла кечасининг энг гўзал маросимларидан бири бу – келинчакка мева юбориш одати бўлиб, куёв томони келин учун маҳсус идишда етти хил рангдаги мевалар: анор, узум, апелсин, қовун, олма, шафтоли, тарвуз солиб, жаннат патлари деб аталган узун ва рангли патлар билан безатиб патносда келиннинг уйига жўнатади.

Наҳованд²⁸да “Кичик чилла” маросими ўзига хос бир тарзда нишонланади. Ҳар бир оиласдан бир киши юзини қорага бўяб ранго-ранг кийимлар кийиб, қўлларига иккита таёқ олиб қўча ва хиёбонларда юришади, уй, дўконларга кириб таёқларини бир-бирига уриб қўшиқ айтишади.

Исфаҳонда Эроннинг бошқа минтақалари каби барча оила аъзолари бобо ва бувиларнинг уйларида тўпланадилар. Уй эгалари эса очиқ дастурхон билан меҳмоннавозлик қиласидилар. Катталар шоҳнома ўқийдилар ёки ўз хотираларини сўзлаб берадилар. Ялдо тунининг ичимлиги одатда чой, шарбат ва агар шу тунда қор ёғса узум суви билан омихталанган қор, таомлардан эса балиқ палов, дўлма, куфте²⁹ хисобланади. Курдистонликлар байрам дастурхонига тайёрланган дўлма ва сангак нонлари билан меҳмонларни кутиб оладилар.

Бу байрамнинг яна бир қизиқарли ва муҳим маросимларидан бири ялдо тунининг қаҳрамони **عمو چله جون чиллажон амакини** кутиб олиш ва кузатиш маросимиdir. Чилла кечаси қуёш ботишига оз вакт қолганда барча эшик ва деразалар очиқ қоилдирилади. Эронийларнинг эътиқодлари бўйича агар кимнинг эшиги ёпиқ бўлса чиллажон амакининг жаҳли чиқиб ўша уйга меҳмон бўлиб келмас экан. Кечки овқат тановул қилишдан олдин уйнинг кенжада ўғли кўчага чиқиб мана бундай деб бақириши лозим:

“Эҳҳе, чиллажон амаки, кечки овқатни есак бўладими?”

Шундан сўнг боланинг ота-онаси “ Болажон, чиллажон амаки рухсат берди” деб айтишади ва ҳаммалари биргаликда кечки овқатни тановул қилишади.

²⁸ Эрон шимолида жойлашган шаҳар

²⁹ Кийма гўшт ва гуручдан тайёрланадиган (тефтельга ўххаш) таом

Кечки овқатдан сўнг бир нечта овқат ва турли хил мева ва ширинликлар, тарвуз ва қуруқ мевалар билан дастурхонни ясатиб қўйишади. Тун ярмига уч соат қолганида оила аъзолари мана шу мева ва ширинликлартдан ейишади ва барча нарсалардан озгинадан битта идишга солиб барчалари биргаликда томга чиқиб қўйидаги шеърни айтишади:

چله چله جون امشبی مهمون

دیه در ادور رو سو بیابان

Бу тун меҳмонсан азиз чиллажон

Энди уйдан кет биёбон томон.

Тун ярмига икки соат қолганида хонадон эркаги том бошига чиқиб жар солади:

“Худо оталарингизни ўз раҳматига олсин, ҳамма йиғилсин, чиллажон амакини қишлоқдан ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўяйлик”. Қишлоқ аҳолиси йиғилиб битта от ёки уловни эгарлаб устига янги қоплама солишади ва ораларидан битта кишини “чиллажон амаки” сифатида танлаб олишади ва унга янги уст-бош кийдириб, отга миндириб эркак-у болалар унинг орқасидан шеър айтиб қишлоқдан кузатиб чиқишиади:

چله برو به شادی

از این دیار و وادی

خدا نگهدارت باد

خدا نگهدارت باد

Чилла кетгин шод бўлиб,

Қишлоқ, водийдан ўтиб.

Яхши боргин чиллажон,

Яхши боргин чиллажон.

Чиллажн амакаи қишлоқдан узоқлашаётганда бир одам катта идиш олиб унинг олдига ўтиб боради ва бошқалар чиллажон амакига тайёрлаб қўйган овқатларини ўша катта идишга солишади. сўнгра чиллажон амаки дарё томонга караб юради ва ортидаги одамларга қараб шундай дейди:

ای رن و مرد و امدادی

رفتم به خوشی و شادی

خدا حافظ که رفتم

خدا حافظ که رفتم

Эй водий аҳолиси,

Бўлиб мен шод-у хуррам

Кетдим, энди яхши қол

Кетдим, энди омон бўл.

Дарё бўйига етганда чиллажон амакига аталган овқатларидан бир қисмини дарёга ташлашади ва саловот айтишади. Қишлоққа қайтиб “чиллажон амакини нима қилдиларинг?” деб сўраган аёлларга шундай деб жавоб беришади:

“Соғ-саломат, шод-у хурсанд бўлиб кейинги йилгача кетди”.

Шу тариқа бу кечадаги маросимлар якунланади.

Эронликларнинг энг машхур ва қадрли миллий байрамларидан яна бири албатта Наврӯз байрамидир. Эрон халқнинг азалий анъанасига айланиб қолган бу миллий байрам миллийлик қобиғидан чиқиб, умуминсоний қадриятга айланади; тили, дини, турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган қўшни халқларни бирлаштиради. Қардош миллатлар орасида бир-бирини боғловчи қўприкларни вужудга келтиради. Шунинг учун Наврӯз халқаро байрам бўлиб, эроний ва туркий халқлар орасида кенг нишонланади. Наврӯз – қуёш календари бўйича баҳор фаслининг кириб келишини англатади. Наврӯз миллий анъана бўлиб, исломий урф-одатлар ва анъаналар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу байрамнинг нишонланиш тарихи қадимги Мидия ва Аҳамонийлар давридан ҳам олдинги даврларга бориб тақалади. Бироқ “Авесто”да бу байрам ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу байрамнинг нишонланиши ва бошланиши ҳақида жуда кўп афсоналар ва ривоятлар мавжуд. Шулардан бирига қўра, бу байрамнинг асосчиси Пешдодийлар³⁰ подшоҳи Жамшид хисобланади. Уларда айтилишича, Жамшид жуда кўп шаҳарларни кезади ва Озарбайжонга етиб келганида олтин тахтга ўтиради. Халқ у тахтни елкаларига олиб кўтарганида тахт қуёш каби товланиб ҳамма ёқни чароғон қиласи ва халқ буни кўриб бу кунни байрам қиласи.

³⁰Пешдодийлар – Эроний асотирлар ва “Шохнома” асарида келтирилган илк подшоҳлар сулоласи

Шунингдек Беруний Сосонийлар даврининг сўнгги йиллари юқори мартабали кишиларидан бўлган Зодвийэ Нажибзодадан келтирган маълумотларга қўра, Ахриман ер ва гиёҳлардан баракани кўтариб, шамолни эсишдан тўхтатган ва ҳамма ёқ нобуд бўлиш арафасида турган бир пайтда Жамшид Худонинг амри билан Ахриманин кўриш учун дўзахга боради ва у ерда узоқ вақт қолади. У қайтганида эса бутун жаҳон фаровон ҳолатига қайтади, халқ мувозанатга келади. Жамшид дўзахдан қайтган у кунда куёш каби порлаб турар ҳамда халқ икки қуёшнинг порлашидан ҳайратга тушади ва бу кунни Наврўз деб аташади ва байрам қилишади. Чунки бу куни қуриган новдалар куртак очди, эронийлар бу яхшилик аломатидан далаларга арпа экдилар ва бу русум эронликлар орасида мустаҳкам ўрнашиб қолди. Шу билан бирга Жамшид бу кунда одамларга гуноҳлардан покланиш учун ғусл қилишни буюрди.

Наврўз байрамига оид олиб борилган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, бу байрам Аҳамонийларнинг тўртинчи подшохи Доро I давридан бошлаб Мисрда ҳам кенг тарқала бошлаган.

Абу Райхон Берунийнинг “Ал осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида Наврўз байрамининг пайдо бўлишига оид қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Унда қадимги эронликлар ақидасига қўра еру осмон ва ундаги жамики нарсалар яратилганидан кейин минг йил ҳаракатсиз туриб қолгани айтилади. Ахурамазданинг буйруғига биноан улар ҳаракатга тушади ва бу ҳаракат фарвардин ойининг биринчи тонгига тўғри келар экан. Берунийнинг ёзишича, баъзи Эрон уламолари бу кунни Жамшиднинг тахтга ўтирган, ўз динини янгилаган кун деб ҳисоблашар экан ва шунга биноан бу иш жуда буюк ишлардан саналгани боис Жамшид бу кунни байрам қилган.

Ислом фатҳига қадар мавжуд бўлган энг охирги эроний салтанат Сосонийлар даврида Наврўз бутун эрон халқининг миллий байрами ҳисобланиб келинган. Фарвардин³¹ ойининг биринчи беш куни бу байрам умумхалқ ичida байрам қилиниб, шу сабабли уни **نوروز عامه – халқ наврўзи** деб аташган.

³¹ Фарвардин – эрон қуёш йилининг биринчи ойи, милодий 21март-20 апрельга тўғри келади

Фарвардиннинг олтинчи куни эса бу тантаналар саройда нишонланиб، نوروز ملوك يا بزرگ – катта наврӯз ёки подшоҳлар наврӯзи деб аталган. Ўрта форс тилида битилган ва бизнинг давргача етиб келган «ماه فروردین روز خرداد» – “Фарвардин ойи хўрдод куни” номли рисола бўлиб, унга кўра жуда кўп муҳим ходисалар айнан шу кунда, яъни фарвардин ойининг 6 санасида рўй берган, жумладан зардўштийлар ақидасига кўра Зардўшт ҳам айнан шу санада дунёга келган экан. Ҳозирда эронлдиклар бу кунни “умид куни” деб номлашган ва уларнинг эътиқодларига кўра ҳар ким шу куни тонгда ҳеч кимга сўз гапирмасдан шакар татиб, зайдун ёғидан танасига сурса йил бўйи турли балолар ва касалликлар унга таъсир этмай, соғлом юради.

Қадимдан эронликлар наврӯз байрамига йигирма кун қолганида байрамни кутиб олиш учун катта тайёрғанриклиарни бошлаб юборганлар. Бу тайёрғарликлар хоналар ва уйнинг таъмирга муҳтоҷ жойларини тўғирлаш, эшикдеразаларни, қозон-товорқларни тозалаш, гилам, уй ва пардаларни чангдан тозалаш, уйдаги эскириб қолган гилам ва кўрпаларни янгилаш, хонадон аъзоларининг барчасига янги уст-бош ва пойафзал тайёрлаш, байрам куни тайёрланадиган палов учун гўшт, ёғ, гуруч каби маҳсулотларни, ҳафт син³² дастурхони учун керакли нарсаларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олган.

Исфанд³³ ойи бошларидан бозорларда, хусусан матолар сотиладиган, пояфзал ва бош кийим дўконларида одамлар жуда гавжум бўлиб, ҳар ким ўз қурбига қараб оиласи аъзолари учун байрам либосининг ўйига тушар эди. Тикувчилар энг кечи билан исфанд ойининг щртасигача буюртма қабул қилар эдилар. Эронликларнинг ақидаси бўйича янги йилни эски кийимда кутиб олиш янги йилдаги яхшиликлардан ва баҳт-саодатдан бебахра қолиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам эронликлар пул, моддий жиҳатдан муаммолари бўлса-да, яқинларидан қарз олиб бўлса-да янги либослар ва пояфзал кийишга одатланишган. Наврӯзнинг яна бир маросимларидан бири турли-туман лаззатли таомлар тайёрлаб, яқинлари ва дўстларини дастурхон атрофига таклиф қилиш одатидир. Бунда айниқса,

³² Эроликларнинг янги йил дастурхони бўлиб, у етти хил тановул қилинадиган маҳсулотлардан иборат. Ҳар бир маҳсулотнинг номи “син” (С) ҳарфи билан бошланади.

³³ Эронликлар куёш тақвимининг ўн иккинчи ойи бўлиб, милодий 20 февраль-20 марта тўғри келади.

қандолат маҳсулотларининг ўрни алоҳида бўлган. Ожилфурушлар ёнғоқ, бодом, писта, қовун ва қовоқ уруғларидан тайёрланган турли-туман ожилларни катта-кичик лаганларда дўконлар олдига тахлаб қўярдилар, мевафурушлар эса дўконларини алвон-алвон мевалар, шиша гулдонларга солинган наргис ва сунбул гуллари билан зийнатлашган.

Эрон халқи қадимдан наврӯз байрамини фарвардин ойининг биринчи санасида нишонлашади. Бошқа барча байрамларга қараганда эронликлар учун бу байрам жуда қадрли ҳисобланади ва мазкур байрамга оид маросимларни жуда диққат билан, маромига етказиб ўтказишади. Қадимги эронликлар бу кунда одамлар эрта тонгда туриб дарё ва суғориш каналлари бўйларига боришар, ювиниб чайиниб, шакар ейишар ёки уч марта асал ялардилар, танани нохушликлар ва баҳтсизликлардан сақлаш мақсадида баданларига ёғ суришар эди. Бу байрамона маросимда оила бошлиғи – ота оиланинг ҳар бир аъзосига уч қошиқ асал ялатар, 1-3 тилло ёки кумуш танга берар ва барчани табриклар эди.

Баҳор байрами Наврӯзга оид барча расм-русумлар чоршанбе сури байрами ва оловлар ёқишлиар билан бошланиб, фарвардин ойининг ўн учунчи санасида якунига етган. Яъни қадимги эронликлар бу байрамни ўн уч кун тантана ва расм-русумлар билан нишонлашган.

Мазкур байрам нишонланадиган айrim минтақаларда ўтганлар рухини хотирлаш ва уларнинг қабрларини зиёрат қилиш анъанаси ҳам мавжуд. Бундан ташқари қавму қариндошларни кўргани бориш одати ҳам сақланиб қолган.

Наврӯз байрамининг ва Эрон фольклорининг энг асосий қаҳрамонларидан бири бу – **بaba نوروز** – Наврӯз амаки ёки – Наврӯз бободир. У Наврӯз байрами кечаларида болаларга совғалар олиб келади ва ўзининг Ҳожи Фируз исмли ҳамроҳи билан саёҳат қиласи. Ҳожи Фируз ҳам эроний афсоналар ва фольклор қаҳрамонларидан бири бўлиб, ҳар йилнинг илк кунларида Наврӯз амаки билан шаҳарларни кезиб, одамларни Наврӯз келганидан огоҳлантириб юради. Наврӯз амаки ўзига хос ташқи қиёфага эга бўлиб, булар оппоқ соч, оппоқ чоқол (айrim манбаларда келишича хиналанган соч-соқолли кўринишга эга), намат қалпок, ҳаворанг ипак белбоғ, оқ бўйинбоғ, зифир толасидан тўқилган матодан қилинган

шалворларда намоён бўлади. Наврўз амаки қўлида ҳасса тутганча тоғлардан шаҳар томон йўлга тушади. Сейистонликлар (Афғонистон, Покистон билан чегарадош бўлган, Эрон жанубий шарқида жойлаган энг катта ўстонлардан бири) Наврўз амаки ўрнига – بىبى نوروز – بىبى گل افروز – Биби Наврўз (Наврўз хола) ёки – Биби Гулафрўзга (гул сочувчи хола) ишонишади.

Эрон фольклоршунос олими Миржалол Каззозийнинг³⁴ айтишича Наврўз амаки образида Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги бош қаҳрамонлардан бири Зол³⁵ нинг шахсияти ишора бор. Рустамнинг отаси Зол Эроннинг афсонавий қаҳрамонларидан ҳисобланади. Зол туғилган вақтида ҳам оқ соchlарга эга бўлган. Наврўз амаки ҳам жуда қари, қалин, оппок соч-соқолли киши бўлиб, унинг хоними ننه سرما – аёз момодир. Наврўз бобо ва Аёз момо ҳақида турли хил халқ афсоналари мавжуд. Шулардан бири қуйидагича: Айтишларича, аёз момо ҳар йилнинг ilk баҳор кунларида Наврўз бобони кўзлари тўрт бўлиб кутар экан, аммо у клгунича чарчаб ухлаб қолар экан. Уйғонгач Наврўз бобонинг келиб кетганини билиб қолар экан. Айтишларича агар булар икиси кўришса бутун олам яксон бўлар экан.

Бошқа бир афсонага кўра эса, Наврўз амаки ўз хоними Аёз момони кўриш учун йўлга чиқар экан. Лекин улар йил давомида фақат бир тундагина – янги йил кириб келадиган тунда кўриша олар эканлар. Шу учрашувдан кейин Аёз момо кейинги йил яна шу кечада Наврўз бобо билан дийдор кўришгунча ўз йўлида давом этар экан.

Ислом Эрон минтақасига кириб келиши билан эронликларнинг қўплаб бошқа миллий байрамлари унутилди. Фақатгина Наврўз байрами эронийларнинг миллий байрами сифатида ўз ўрнини йўқотмади. Ҳозирги кунда миллий байрам бўлмиш Наврўзниң жўғрофий харитасига назар ташланадиган бўлса, у жуда катта

³⁴ میر جلال الدین کاظمی، ۲۲ مارچ ۲۰۱۲ءیں میں مکتوب میر جلال الدین کاظمی، ۲۲ مارچ ۲۰۱۲ءیں میں مکتوب

³⁵ Зол – “Шоҳнома”да номи келган Эрон афсоналарининг асосий қаҳрамонларидан бири. У Сомнинг ўғли ва Рустамнинг отаси ҳисобланади. “Зол” эски форс тилида “оқ соchl” деган маънени билдиради. Сом ўғли альбинизм белгилари билан туғилгалигидан жуда хафа бўлади ва ўғлини Симурғнинг ини жойлашган Элбурс тоглари этагига ташлаб кетади. Симурғ янги туғилган чақалоқни ўз инига олиб бориб боқади ва тарбиялади. Шундан кейин Симурғ умрининг охиригача Зол ва Рустамнинг ҳамроҳи бўлади.

худудларни қамраб олганига гувоҳ бўлиш мумкин: бутун Ўрта Шарқда, Болқон, Қозиғистон, Татаристон, Ўрта Осиё, Хитой Туркестони (Шарқий Туркестон), Судан, Кичик Осиё, Кавказдан тортиб Астрахань ҳамда Шимолий Америка, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Непал, Тебет минтақаларини ўз ичига олади. Курдлар ҳам ушбу кунни байрам қилишади.

2010 йилнинг 24 март санасида Бирлашган миллатлар ташкилоти Наврӯз байрамини халқаро Наврӯз ва сулҳ куни деб тан олди.

Барча халқларда миллий байрамлар билан бир қаторда диний байрамлар ҳам бўлади. Ислом келиб, Эрон заминида ҳам ислом байрамлари жорий қилинди. Улардан бири Рамазони ойи рўзасини тамомлаш муносабати билан бўладиган Фитр байрами, иккинчиси эса Байтуллоҳда ҳаж ибодатини тамомлаш муносабати билан бўладиган Қурбон байрамидир. Мусулмонлар учун бу икки байрам еб-ичиладиган, шодон кайфиятда нишонланадиган, ўйнаб-кулинадиган кунлардир.

Эроннинг айрим минтақаларида, хусусан Бирженд³⁶ ва Қоин³⁷ шаҳарларида Рамазон ойи кечаларида бир неча ўғил болалар, ёш йигитлар ифторликдан сўнг қўшни ва дўст-биродарлари уйига гурух бўлиб бориб “Ё рамазон” қўшиқларини айтиши одат тусига кирган.

رمضو آمد با سیصد سور

چو به ور دشته که تو روزه بدار

روزه می گیرم لا غر می شوم

گر نمی گیرم کافر می شوم

رمضو آمد مهمونش کنی

بز و بزغاله به قربانش کنی

رمضو یارب یارب رمضان

300 лашкар ила келди رامازون

Рўзангни тут дея буйруқ бўлганда

Рўза тутаман, озғин бўламан

Агар тутмасам, кофири бўламан

³⁶ Бирженд – Жанубий Хуросон ўстонининг маркази, Эрон шарқидаги шаҳар.

³⁷ Қоин – бу шаҳар ҳам Эроннинг шарқий қисмида жойлашган

Рамазон келди-ё бўлиб меҳмонинг

Ечки-улоқни қилгин қурбонлик

Рамазон ё раб, ё раб рамазон...

Уй эгалари эса рамазон қўшиғини айтиб келганларга қанд-у новвот, бошқа ширинликларни тарқатади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки худди шунга ўхшаш маросим ўзбек фольклорида ҳам мавжуд. Фольклоршунос олим, профессор Маматқул Жўраев рамазон қўшиқлари ҳақида қуидаги маълумотларни беради: “Ўзбек фольклорининг қадимий жанрларидан бири ҳисобланган “Ё рамазон” қўшиқлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, ҳалқ орасида ё рамазон, рабиман, рабигон, райвон, рамазон, раван, рабибон, ўребезон каби номлар билан аталади. Рўза кунлари ана шундай қўшиқларни куйловчилар рамазончилар ёки райванчилар деб юритилган. Халқимизнинг удумига кўра, «ё рамазон» айтувчиларга қанд-қурс, пул, белбоғ, қўй-қўзи, турли пишириқлар, хуллас, кўнгилдан чиқариб бирор нарса ҳадя этилган. Ана шу совғасаломларга қараб хонадон соҳибларининг ҳиммати, олийжаноблиги. сахийлиги ёки баҳиллиги маълум бўлган. Аслида уй эгаларидан ҳадя олиш райванчиларнинг асосий мақсади эмас, улар ота-боболарнинг удумига риоя қилиб савоб олиш, асрий анъаналаримизга умрбоқийлик баҳш этиш ниятида «ё рамазон» айтадилар.”³⁸

Эронликлар Қурбон ҳайити байрамини **جشن – қурбон ҳайити байрами** деб атайдилар. Қадимдан эронликларда шундай расм-русум бўлган: Зулхижжа ойининг ўнинчи куни одамлар қурбонлик қилинадиган қўй ёки туюни танлашар ва уларнинг кўзларига сурма суришир, уларнинг пешонасига кичкина ойначани осиб қўйишар, қўйларининг бўйнига эса рангли ипак дастрўмолчани боғлаб қўйишар эди. Шундай шукухли маросимга қурбонлик бўладиган жойга ҳайвонларни келтиришар, уларга сув ичириб, қурбонлик дуосини ўқиб қурбонликни амалга ошириб унинг гўштири қўни-қўшни орасида тақсимлар эдилар. Лекин бугунги кунга келиб бу маросим юқоридаги расм-русумларсиз ўтказиб келинмоқда.

³⁸ <http://fikr.uz/blog/ramazon/1695.html>

Эрон туркманлари эса бу байрамга (улар бу байрамни қурбон байрам деб атайдилар) уч кун олдин тайёргарлик кўра бошлайдилар. Биринчи куни уйжойларини тозалаш ишлари билан шуғулланадилар, иккинчи кунни ширинликлар тайёрлашга бағишлайдилар. Ҳайитдан олдинги арафа кечасида ўзларига оро бериб, энг яхши ва янги кийимларни киядилар. Бу кунда эрон туркманларининг гўштдан турли-туман таомлар ҳозирлаб, қўшниларига тарқатишлари ва уларга яхши тилакларни тилашлари одат тусига кирган. Умуман олганда Эроннинг турли минтақаларида яшовчи турли элатлар мазкур қурбон ҳайити байрамини катта хурсандчилик ва шукуҳ билан ўтказадилар. Мазкур байрам эронликлар томонидан диний вазифа ёки диний бурч сифатида катта иштиёқ ва байрамона кайфиятда нишонланади.

Бу байрам нафақат Эрон, балки бутун ислом оламининг энг муқаддас диний байрамларидан бўлиб, хусусан Марка зий Осиё давлатларида ҳам жуда катта хурсандчилик билан нишонланади. Бизнинг юртимиизда ҳам Қурбон ҳайити байрами кунлари қурбонлик келтириш, байрам ширинликларини тайёрлаш, қурбонлик гўштидан қўни-қўшниларга тарқатиш одати қадимдан ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Эрон курдлари орасида эса қурбон ҳайитини нишонлаш диний расм-руслардан ташқари ўзгача сурубахш байрамга айланиб кетади. Курдлар жонлиқ қурбон келтириб бўлишгач қишлоқ аҳолисининг ёшу қариси ўрмон, яйлов ва далаларга чиқишиди. Дараҳтларга арқон боғлаб барчалари (эри йўқ аёллардан ташқари) аргимчоқ учадилар. Агар ҳаво яхши бўлмасдан, ёғингарчилик бўладиган бўлса ҳар бир оила ўз хонадонига аргимчоқ ўрнатиб кечгача шу аргимчоқларда учишади.³⁹

Ҳайит байрамлари барча мусулмонлар шодлик ва хурсандчилик изҳор қиласиган кунлар ҳисобланади. Ҳайит кунларида имкони бор киши янги кийим киядилар, имкони йўқлар эса энг яхши тоза-озода кийимларини кийиб чиқадилар. Ҳайит байрамларида сайлгоҳларга чиқиш, қавму қариндошларни зиёрат қилиш билан бу кундаги хурсандчиликлар доираси янада кенгаяди, уларга совғалар

³⁹ سید علی میرنیا. فرهنگ مردم. تهران 1990 ص 14

улашилади. Умуман олганда ҳайит байрамининг халқ орасидаги гина-адоватлар ва турли қўнгилсизликларни кетказиш ҳамда инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш сингари ҳикматлари кўпдир.

Эронликларнинг қадимдан нишонланиб келинадиган диний байрамларидан бири ражаб ойининг йигирма еттинчи санасида нишонланадиган **عبد مبعث** – **мабъас байрами** бўлиб, пайғамбар Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ўзига буюрилган топшириқ билан чиқишига боғлик. Бу байрам Сафавийлар давридан то бугунги кунгача ўтказиб келинадиган байрамлардан бири бўлиб, пойтахт ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида (ўстон ва шаҳристонларда) ҳоким ва фармондорлар иштирокида ўтказилган. Бу байрамда халққ вакилларидан сайланган бир киши сўзга чиқиб шоҳ ёки ҳокимларга табрик нутқини сўзлаган ва ўз навбатида ҳукмдорлар ҳам унга миннатдорчилик билдириш билан бирга халққа бу байрамнинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлаб бутун халққа тинчлик-соғлик, хайру барака тилаб табрик йўллашган. Шунингдек, Яратгандан бу байрамда барча мусулмонларнинг ислом кўрсатмалари асосида яшашни, исломга эргашиб ҳидоят ва муваффақиятга эришишни сўраб дуо қилишган.

Эронликларнинг диний байрамларидан яна бири **عبد غدیر** – **ғадир байрамидир**. Бу байрам ҳар йили зулҳижжа ойининг ўн саккизинчи куни Ҳазрати Алининг Муҳаммад Алайҳиссаломнинг вориси (Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ўрнига қолган киши сифатида) қилиб тайинланган кун муносабати билан худди мабъас байрами сингари ўтказилади. Бу кунни жуда катта тантаналар билан ўтказишади ва пайғамбар авлодидан бўлганлар – саййидларни зиёрат қилишга боришади. Қадимда саййидлар, яън пайғамбар авлодлари зиёрат қилувчиларнинг ҳар бирига кумуш танга бериш русуми бўлган, лекин кейинчалик бу анъана йўқолиб кетган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эронликларнинг асосий миллий ва диний байрамлари юқорида номлари келтирилган байрамлар бўлиб, уларнинг аксарияти ўзбек ва қардош халқларимиз байрамлари билан муштараклигини, байрамлари муштарак халқларнинг урф-одатлари ҳам муштарак бўлишини кузатишимииз мумкин.

2. ЭРОНЛИКЛАРНИНГ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА АНЬАНАЛАРИ

Чақалоққа исм қўйиш маросими. Янги туғилган фарзандга чиройли исм қўйиш ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Шунинг учун ҳар бир ота-она бу муҳим ишга алоҳида эътибор ила ёндошмоғи лозим. Эронликлар бу ишни алоҳида маросим даражасида бажаришади. Уларнинг қадимий урф-одатларидан бири чақалоққа исм қўйиш маросими бўлиб, у гўдак туғилгандан сўнг олтинчи кечаси нишонланади ва ушбу маросим пайтида чақалоққа исм қўйилади. Исломдан кейин бу одат диний урф-одатлар билан уйғунлашиб кетган. Хусусан, Хурросон халқининг эътиқоди ва урф-одатларига кўра чақалоқ туғилишининг олтинчи кечаси энг муҳим ва ҳаяжонли кечалардан бўлиб ушбу кечада баъзи қариндошлар, эркаклар ва аёллар давра қуриб ўтиришади ва эрталабгача чақалоқни қўлдан-қўлга ўтқазишида ҳамда шеър, дуолар ўқишидаи. Улар жин-ажиналарни қўрқитиши ва чақалоқ ётган хонага яқинлаштираслик учун ҳар дақиқада доира чалиб, баланд овозда куйлашади. Чунки уларнинг эътиқоди бўйича олтинчи кеча чақалоқ учун энг хатарли тун бўлиб бу кечада ажиналар ҳар хил ҳийла-найранглар билан чақалоқ ётган хонага кириб уни ҳамзоди⁴⁰ билан алмаштириб қўйишлари мумкин.

Бунинг олдини олиш ҳамда жинларни чақалоқ ётган хонадан узоклаштириш мақсадида улар турли ҳийла ва воситалардан фойдаланишидаи: улар аввало боланинг бадани ва юзига қора куя суркаб уни хунук ҳолатга келтирадилар. Уларнинг ақидаси бўйича буни кўрган ажиналар чақалоқдан қўрқишидаи ва ёки ундан безор бўлиб алмаштириш фикридан қайтишидаи деб ишонишади. Кейин озгина милтиқ дори ва пақилдоқларни оловга ташлаб ҳамма жойни тутун ва қоракуя қилишидаи. Бунинг асосий сабаби шуки – пақилдоқнинг пақиллаган товуши ҳамда милтиқдорининг тутуни ичидага вахимага тушган ажиналар бу атрофларга қадам босмайди деб ҳисоблашади. Бундан ташқари эшик ва

⁴⁰ Ҳамзод – эронликлар ақидасига кўра чақалоқ билан бир пайтда дунёга келадиган рух

остоналарга майда темир ва пўлат қириндиларидан сепиб чиқилади. Сўнгра исириқ тутатилади. Тўқ кўк рангли бўёқ билан чақалоқнинг қўл -оёқлари бўялади, тuya жуни ва эчки сочидан тўқилган ип парчасини боланинг билагига ҳамда уч рангли ипни онанинг билаги ва ўнг оёқ тўпифига боғлашади. Сўнгра ажиналар қўркиб уларга яқинлаша олишмасин деб чақалоқ ва онасининг бош кийимига еттигадан игна санчиб қўйишади.

Худди шу пайти йиғилганлар орасидан бир аёл кафтига бироз гуруч олиб етти қул (қул билан бошланувчи Қуръони карим суралари) дуосини ўқиб қўлидаги гуручга дам солади ва хонанинг тўрт тарафини айланиб кафтидаги гуручни оз-оздан тўкиб боради. Уларнинг эътиқоди бўйича шу йўл билан улар ажиналарнинг она ва бола ётган хонага кирмаслиги учун тўсиқ яратишади. Бундан ташқари улар устига ёғ ва шакар суртилган бир бўлак нон билан бир кўза сувни уй томига олиб чиқиб қўйишади. Бунинг сабаби шуки агар ажина уй томидан келишни истаса том устидаги сув ва нонга кўзи тушиб нафсини қондиради ва бошқа чақалоқнинг жонига хавф солмайди. Сўнг маҳалла имоми ёки оиланинг улуғларидан бири чақалоқнинг ўнг қулоғига аzon айтади ва чап қулоғига унинг исмини айтиб таништиради. У оила хоҳиш ва танловига қараб унга саҳоба ёки имомлардан бирининг исмини (аксарият ҳолларда ўғил бола бўлса -Али, Ҳасан, Ҳусейн; қиз бола бўлса -Фотима, Захро, Сакина) қўяди. Чакалоққа аzon айтиш ва исм қўйиш маросими якунланганидан сўнг йиғилганлар саловат айтиб хурсандчилик қилишади. Шундан сўнг болани ҳали бўйи етмаган етти қиз оёғи остидан ўтказишади ва ажиналардан тўлиқ ҳимоя қилиш мақсадида чақалоқнинг бўйнига қурбонлик қилинган қўйларнинг бир нечта кўзлари, бўри тирноғи ва сиртлон панжасидан тумор қилиб осиб қўйишади. Сўнгра хонага ғалвир олиб кирилиб йўргакланган чақалоқни бироз кўмир, бир бурда нон ва ўша давлатда ишлатиладиган тангалар билан ғалвирга солишади, сўнг қўлдан қўлга ўтказиб қуидаги шеърларни ўқишиади:

بچه بچه ماھه بچه

خدا نکهدار بچه

هر که خورده نان بچه

دعا کنه جان بچه

Бола, бола ой бола

Худо асрасин бола

Кимки еса нон бола

Дуо қилар жон бола.

Кейин чақалоқни бошқасига беради ва у одам ҳам қуидаги шеърни ўқийди:

بچه درم يگانه

کوك ميوان خانه

ککر ککر مى خوانه

چشمش به تو ممانه

Таржимаси:

Болажсоним ягонам

Уйимизда дурдонам

Қиқип-қиқип қулади

Кўзлар сенда қолади

Чақалоқни учинчи одамга беради ва у ҳам мана бундай деб шеър айтади:

بچه درم يگانه

کوك ميوان خانه

ککر ککر مى خوانه

گوشش به تو ممانه

Таржимаси:

Болажсоним ягонам

Уйимизда дурдонам

Қиқип-қиқип қилади

Қулоги сенда қолади.

Сочи сенда қолади деб ойдин тонгда чақалоқни елакдан олиб ерга қўйишади.

Балужестон⁴¹да эса фарзандга дараҳтлар ва ҳафта кунлари номидан олиб исм қўйиш одати бор. Масалан: Кенор (садр дараҳти), Кохур (ёввойи дараҳт тури). Ёки ўғил болалар исмини Шанба, Чоршанба, Пайшанба деб қўйишади. Лекин ҳеч ким гўдакка Якшанба ёки Сешанба деб исм бермайди ва буни яхшилик аломати деб ҳисоблашмайди. Бу каби ҳафта кунларини исм сифатида фарзандга бериш юртимизнинг жанубий воҳаларида яшовчи аҳолида ҳам яқин-яқингача мавжуд бўлган одат эди.

Эроннда чақалоққа исм қўйиш маросимидан ташқари ўғил болаларни хатна қилиш маросими ҳам жуда ўзига хос, қизиқарли маросимдир. Ўғил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларнинг тарқ қилмайдиган одатига айланган. Бу маросим ҳам узоқ тарихий даврлар билан боғлиқ бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидаги ўғил болаларни бир ёш босқичдан иккинчисига ўтишини маҳсус маросим, инициация тарзда нишонлаш анъанаси асосида шаклланган. Бундай одатлар яхудийларда ва ислом дини тарқалган мамлакатларда удумга айланган. Хатна қилиш ҳам қадимий урф-одатлардан бири ҳам диний фарз ҳисобланиб хурсандчилик ва шодиёна билан нишонланадиган маросимдир.

Эронда қадимдан болани 3 ёки 7 ёшлигига хатна қилишган ва бу маросимга ёр-у дўстлар, қавму қариндошлар таклиф этилган. Маросим ўтказиладиган куннинг тонгида бола бир нечта қариндошлар ва қўшиқчи аёллар ҳамроҳлигига ҳаммомга жўнатилган. У ерда исириқ, ладан (диний маросимларда ишлатиладиган хушбўй ўсимлик) ва бошқа хушбўй ўсимликлар тутатилган. Сўнгра болага янги кийимлар кийдирилиб уйга олиб келишган. Уйда гилам устига қизил рангли тўшак солиниб болани унга ётқизиб ухлатишган. Қўшиқчилар шўх куйлар чалишган ва йиғилганлар рақсга тушишган. Сўнгра уста (хатначи) келиб чўнтагидан сариқ рангли найча олиб боланинг жинсий аъзосини қўлининг учи билан ўзига тортган ҳолатда уни найчага киритган. Бу вақтда йиғилганлардан кимдир қимиirlab кетмаслиги учун боланинг қўл-оёқларини

⁴¹ Афғонистон, Эрон ва Покистон давлатларининг чегарадош ҳудудида жойлашган вилоят

ушлаб турган. Уста чўнтағидан пичоғини чиқариб тезликда болани хатна қилган ва ўша жойга қиздирилган пахта босиб ўраб қўйган.

Хозирги қунда ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Хатна амалиёти тугагандан кейин бу жараёнда иштирок этган дўсту биродар, қавму қариндошлар ўз имконият ва саховатига кўра болага пул бериб юзларидан ўпадилар. Қариндошлар одатга кўра бошқаларга нисбатан кўпроқ пул беришади. Баъзилар бола учун каттароқ совға-саломлар тайрлаб, уни маросимга ўzlари билан олиб келишади. Шундан кейин ўйин-кулгу, хурсандчилик байрами бошланиб кетади. Хатна қилинган бола бир неча кун ўрнида ётиши ва камроқ ҳаракат қилинши тавсия қилинади. Бу муддат ичиде совуқ сув ичиши мумкин эмас, чунки тиф теккан жой газак олиб, йиринглаб кетиши мумкин. Бундай пайтда боланинг таомланишида кўпроқ тухум, гўшт сингари оқсилга бой овқатлар ташкил қиласи.

Баъзан маблағни иқтисод қилиш мақсадида бир қунда бир нечта болаларни хатна қилишади. Бундай ҳолларда болалар сони тоқ бўлиши керак. Икки, тўрт ёки олти нафар болаларнинг бир қунда хатна қилиниши мумкин эмас. Агар бир кишининг икки нафар ўғли бўлсаю ва у киши ҳар иккисини бир қунда хатна қилдирмоқчи бўлса, хатна амали якунланиши билан тезда икки ўғли ўртасида хўroz сўйиб юбориши керак. Шунда ушбу қунда учта (яъни тоқ сон) қон чиқарилган бўлади. Эронликларнинг ақидасига кўра шу иш қилинмаса фарзандларидан бирини ажал олиб кетар экан. Эрон халқи ўғил бола хатна қилинмагунича унинг қўли нопок деб ҳисоблайдилар ва муайян вақт келганда унинг қўлинин албатта ҳалоллаб олиш керак.

Эронликлар билан айrim жиҳатлари муштарак бўлган анъана ва урф-одатларимиз сингари мазкур амал Ўзбекистонда ҳам қадимий асосга эга. “Ўзбекистон номоддий маданий мероси” сайтида келтирилган маълумотларга кўра, юртимизда мазкур маросим ўғил болаларда 3-5-10 ёшда, айrim ҳолларда 11-12 ёшгача ўтказилган. Қўни-қўшнилар ҳамда қариндош-уруглар ҳамда жамоа иштирокида ўтказилади. Анъанага кўра суннат тўйига тайёргарлик жараёнидаги қатор удумлар (кўрпа тикиш, тўй сарполарини бичиш ва тикиш) маҳалланинг кекса ва ўрта ёшдаги серфарзанд аёлларига топширилган. Тўйгача бўлган даврда

тандир қурди, сўқим сўйди, маслаҳат оши каби маросимлар ўтказилган. Бу маросимлардан кейин ҳатми қуръон маросими ўтказилади ва унга қишлоқ (маҳалла) қариятлари, имом ва қариндошлар таклиф этилади. Тўй бўладиган уйда маҳсус дастурхон ёзилиб, палов тайёрланади ва маросим якунида қуръон оятлари ўқилиб дуо қилинади. Шундан кейин катта тўй тантаналари бошланади. Суннат тўйида тўй болага қавм-қариндошлар ва ҳамқишлоқлар оқсоқоллар даврасида сарпо тарзда бошдан оёқ янги кийимлар кийдиришади. Сўнгра болани муборокбод этиб устига танга, ширинликлар сочадилар. Тўйдаги энг катта маросими-элга ош бериш ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистоннинг кўплаб худудларида тўйда наҳорга ош бериш одат тусига кирган. Ош бериш маросими охирида илгарилари қечқурин ҳовлига катта гулхан ёқилиб, унинг атрофида катта кураш, тортиначоқ (арқон тортиш) ва бошқа ўйинлар қилинган. Мехмонхоналарда (аёллар ичкарида) базм, ғазалхонлик ўтказилган, баҳшилар достонлардан парчалар ижро қилган. Тўйнинг эртаси куни баъзан кўпкари ва бошқа мусобоқалар уюштирилиб, ғолибларга совринлар берилган. Хусусан, Хоразмда "Олтин қовоқ", Фарғона водийсида "қулоқ чўзди", Тошкентда эса "маст бола" каби болалар ўйинлари уюштирилган.⁴²

Ихтилофни адолат йўл билан ҳал қилиш одати. Қадимда Эрон шаҳар ва қишлоқларида юзага келган муаммо ва жанжалларни адолатли йўл билан ҳал қилиш одати бўлган. Бу жараён қуидагича амалга оширилган:

Одамлар ўз арз-додлари билан шаҳарларда ҳоким (фармонбардор), туман марказларида ноиб ва қишлоқларда оқсоқолларга мурожаат қилишган. Овул ва қабилаларда ҳам бу вазифани овул раиси (бек) ва қабила бошлиғи бажарган. Ҳоким ва ноиблар даъволашаётган тарафларни ўша жойдаги қозихонага юборган. Қози арзгўй, икки томон келтирган далиллар ва гувоҳларни эшитгач шариат ҳукмлари асосида фатво чиқарган. Сўнгра ҳоким ва ноиблар мазкур фатво асосида ҳукмнинг ижро этилишини таъминлашган.

Қишлоқларда маҳалла оқсоқоли ёки ёши улуғлар масjid ёки қишлоқ майдонининг бир чеккасида ўтиришиб даъвогарларнинг арз ва далилларига қулоқ

⁴² <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-3/377-sunnat-toy-khatna>

солишиган ва муаммони ҳал қилишган. Овул ва қабилаларда ҳам бошлиқлар шутариқа иш юритишган ва даъвонинг бу усулда ҳал этилишига адолатли йўл деб қарашган.

Ҳижома қилиш одати. Араб тилида ҳижома сўзи “ал-ҳажм” ўзагидан келиб чиққан бўлиб, у “сўриш” деган маънони англатади. Ал-Ҳижома термини қон олдириш борасида ишлатилган. Ҳижома қадимдан маълуму машҳурдир. Қадимги чинликлар (хитойлар), бобилликлар ва фиръавнлар давридаги мисрликлар ҳам уни амалда қўллаганлар. Улардан қолган осори атиқаларда баъзи касалларни ҳижома йўли билан даволашаётганлигини тасвирловчи суратлар бунга далилдир. Қадимдагилар бу ишда маъданий (тилло, кумуш) каъс (банка)лар ва хўкиз шохларидан фойдаланганлар. Улар бу шохларни bemorning танасидан қон олишмоқчи бўлган ўринга қўйиб, унинг ичидаги ҳавони шохнинг уч қисмидаги кичкина тешикча орқали сўриб чиқариб, шохнинг ичини ҳаводан ҳоли қилиб қўйганлар.

Эронда ҳам қадимда баҳор фасли бошларида етти ёшдан ошган қиз ва ўғил болалар, эркагу аёлларни ҳижома қилиш одати бўлган. Одамлар баҳор фаслида қон жўш уради ва йилига бир марта танадан ифлос қонни чиқариб ташлаш керак деб ишонишган. Эронда одатда лўли аёллар ва маҳалла сартарошлари ҳажжом (қон олувчилар)лик вазифасини бажарганлар. Юқориси тешик бўлган сигир шохи билан ҳижома қилишган. Ҳижома қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилган:

Ҳижома қилувчи одам шохни елканинг орқа томонига иккита курак ўртасига қўйиб шохнинг тешигидан сўрган. Кейин мугузни олиб сўрилган жойни бироз шамоллатган. Кейин ўткир пичноқ билан ўша жойни тилган ва шохни қўйиб қайтадан куч билан сўрган. Ажралган лаҳта қон мугуз ичига тушган. Сўнгра ҳижомачи сўрилган қонни қўлидаги тупроқ солинган идишга тўккан. Ҳижома қилдирган киши уч кун давомида нордон нарса ейиши мумкин бўлмаган.

Маълумки қон – инсон организмининг энг муҳим элементларидан бири. У тўқималарга кислород етказишида ва моддалар алмашинуvida фаол иштирок этади. Киши харакатсиз ҳолатида қон «қарий бошлайди», ўзининг сифатларини йўқотади, қолаверса, нотўғри овқатланиш, ҳавонинг ифлосланиши, стресслар

натижасида барча ёмон моддаларни ўзига шимиб олади. Бугунги кунда организмимиз турли хил токсинлар билан сув, ҳаво, озиқ-овқат ҳамда вакцина ва дори-дармонлар орқали заҳарланмоқда. Ҳижома ана шу «чиқит»лардан қутулишда ёрдам беради. Бизни ўраб олган сон-саноқсиз токсинлар мавжуд даврда организмни тозалаш борасида ҳижома бизнинг юртимизда ҳам Эронда ҳам янада долзарб бўлиб қолмоқда.

تعارف – (таорӯф) эронликларнинг ўзига хос одатларидан бири, уларнинг ижтимоий алоқаларининг ажralmas қисми дейиш мумкин. Хорижликларнинг таъкидлашича, таорӯф эронликлар этикетининг энг муҳим ва мураккаб жиҳатларидандир. Таорӯф – навозиш, назокат, хушмуомалалиқ, илтифот, марҳамат, хушомад каби тушунчаларни ўз ичига оладиган бутун бир муомала тизими сифатида инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишнинг энг юқори нуқтасини намоён қиласи. Масалан, дўкон эгаси харидоридан пулни олишни хоҳламаса, бу айнан таорӯфнинг бир кўриниши ҳисобланади. Харидор пулни тўлашни таъкидлашда давом этади, дўкон хўжайини эса тўловни олишни бир неча бор рад этганидан сўнггина пулни олиши мумкин. Бундан ташқари, эрон маданиятида расмиятчилик юзасидан шеригини меҳмондорчиликка таклиф этиш одати ҳам таорӯфга мисол бўла олади. Агар шериги таклифни қабул қилиб, унга жиддий қараса, бу билан таклиф қилувчини жуда ноқулай вазиятга тушуриб қўйиши мумкин, ахир бу шунчаки таорӯф юзасидан айтилган таклиф-ку! Булардан ташқари эронликларнинг яна қатор одатлари борки, уларни қўйида санаб ўтамиш:

Исириқ тутатмоқ – исириқ ёмон кўзлардан сақлайди деган эътиқод билан, аксарият оналар ўз фарзандлари учун исириқ тутатадилар.

Бармоқларни қарсиллатиб ўйнамоқ (рақсга тушмоқ) – эронликлар одатда байрамлар, тўй ва тантаналарда бармоқларини қарсиллатадилар. Халқ маданиятининг бир қисми бўлган қўл бармоқларни қарсиллатишдан турли садолар ҳосил бўлади.

Нач! – эронликлар бирон бир нарса ёки ҳодисани инкор этмоқчи бўлишса, “خير” ёки “نَحْيِر” – “йўқ” инкор сўзини айтиш ўрнига икки қошларини тепага

күтариб “нач” дейдилар. Бу айнан инкор маъносини билдиrsa-да, “йўқ” дея узул-кесил инкор қилишдан кўра анча мулойимроқ маъно касб этади.

Бодрингни мевалар идишига солиб қўйиш – мевалар солинган идиш эроликлар дастурхонининг асосий қисми ҳисобланади. Мехмондорчилик пайтида албатта таомдан олдин ёки кейин мевалар солинган катта (идиш) сават дастурхонга қўйилади. Аксарият мамлакатларда бодринг мева ҳисобланмайди. Лекин эронликлар мева саватида бодринг ўзининг событ ўрнига эга.

Ўтириш, базм ташкил қилиш – одатда тўй, фарзандли бўлиш, янги уй сотиб олинганда ёки шу каби катта, эътиборга молик ҳолатларда эгасидан каттагина базм ташкил қилиб бериш кутилади.

Ота-оналар ўз фарзандларини отажон, онажон деб аташини ҳам эрон оиласарида қўплаб учратиш мумкин. Бу қўпгина ғарбликларни ҳайратга солиши мумкин. Бироқ эронликлар ўз фарзандларига мурожаат қила туриб “Келақол онажон” ёки “келақол отажон” дея чакирадилар. Бу ҳол жиянларига нисбатан амма, амаки, хола ва тоғаларга ҳам тегишли. Бу ҳолатни бизнинг мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ҳам учратиш мумкин. Бизда бу ҳолат одатда “келақол она қизим” шаклида бўлади.

Арзимайди дейиш. Дунёнинг ҳар бир чеккасида қилинган хизмат учун пул олиш оддий ҳол. Аммо эронликлар қилинган хизмат учун пулни тезда олишни уят деб ҳисоблайдилар. Аввал пул олишни анча вақт рад қилиб турадилар. Ва бу ҳол “арзимайди” сўзи билан ифодаланади. Бу одат ҳам хорижлик меҳмонларни ажаблантирадиган ҳолатdir.

Ойлик маош ҳақида сўраш – эронликлар учун бу каби шахсий саволларни сўраш жуда оддий ҳол ҳисобланади. Харид қилинган нарса ёки бирон жойга уюштирилган сафар харажатларини сўраш ҳам шулар жумласига киради.

Бошқаларга орқа ўгириб туриш – эронликлар учун ҳеч қандай ҳолат ва ҳеч қандай шароитда мумкин эмас. Агар ҳеч иложсиз қолиб, шундай вазият билан тўқнаш келиб қолинса, албатта узр сўралиши лозим. Ҳатто машина ҳайдовчиси рулга ўтириш чоғида орқадагиларга ўгирилиб узр сўрайди. Ўтирганларнинг “ҳеч қиси йўқ”, “бехижолат” ларидан сўнг хотиржам рулни бошқариши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган кўп ҳолатларни эронийларнинг таорўфига мисол қилишимиз мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган, эронликларга нисбат берилган бу каби хусусиятлар нафақат эронлик, балки кўпгина шарқ ҳалқларига, жумладан ўзбек ҳалқига ҳам хос хислатлар дейиш мумкин.

3. ЭРОНЛИКЛАРНИНГ ИШОНЧ ВА ЭЪТИМОДЛАРИ

Иримлар, ишонч ва эътиmodлар нима ўзи? Одамларнинг кузатувлари натижасида келиб чиқсан тажрибаси натижасими ёки само аломатларини ўқиш қобилиятими? Аслида бу муҳим эмас. Муҳими, бу аломатларнинг борлиги. Илло, ҳалқнинг кўп асрлик тажрибасини йўқка чиқариш ҳам тўғри эмас. Албатта, иримларнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмайди. Мутахассис сифатида эрон ҳалқларининг ирим-сиirimларини ва ишонч-эътиқодларини кўриб чиқамиз.

Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос урф-одат, анъана ва маросимлари бор. Уларнинг ҳар бири бошқасидан тубдан фарқ қиласди. Бири фойдали, бири мутлақо заарли. Бизнинг мақсадимиз бу иримларнинг фойдали ёки заарли эканлиги ҳақида гапириш эмас, балки эрон ҳалқлари фольклорининг бир қисми бўлган иримларни ва ҳалқ ишонч-эътиқодларини ўрганишдир.

Эронликларнинг урф-одатлар қатори, ишонч ва эътиқодлари, ирим-сиirimлар ҳам беҳисоб кўп. Асрлар давомида сақланган ҳалқ ичидаги иримлар аслида ўша ҳалқнинг яшаш тарзи, маданияти, уни ўраб турган муҳитидан келиб чиқади. Эрон ҳалқининг қадимий анъаналарини ўзида мужассам этган ҳалқ ишонч-эътиқодлари эрон ҳалқининг мифологик тасавурлари, эътиқодий қарашлари, турмуш тарзи ва маънавиятидан акс садо бериб туради. Мамлакатнинг турли бурчакларида яшовчи турли қабила ва элатларнинг ишонч-эътиқодлари ҳам турличадир. Масалан, қашқоийлар⁴³нинг эътиқодига кўра, агар қабиланинг қуроли бўлмаса, бу гўё либоссиз аёлга teng деган маънони англатади. Яна уларнинг эътиқодига кўра от гўё оёқ (манзилга элтувчи восита) қа teng. Яйлов ёки кўчи

⁴³ Форс – Форс кўрфази яқинида жойлашган, мамлакат жанубидаги вилоятлардан бири бўлиб, қашқоийлар айнан шу жойларда кўчманчи хаёт тарзида яшовчи туркӣ тилли қабилалардир

тортиб олинган қашқойи сувсиз қолган балиқقا тенглаштирилади. Ҳомиладор аёл тушида рўмол кўрса ёки бошига рўмол боғласа қиз фарзанд кўради деб ишонилади. Агар улар дашту биёбонда бирон бир шарт, келишувга келмоқчи бўлсалар, бир неча тошни учтма-уст қўйиб, бу устунчани “Ҳазрати Аббоснинг хўтиги” деб номлайдилар ва ҳазрат Аббос номи билан қасам ичадилар. Келишув якунига етгандан кейин тошларни бузиб, бир-бирларига бу келишувни бузиш мумкин эмаслигини айтадилар. Шундай қилиб, ҳеч қандай ёзма ҳужжатларсиз келишув амалга оширилади. Улар айтилган сўз ва ичилган қасамга садоқат ҳар нарсадан устун дея ҳисоблайдилар.

Машҳадликлар⁴⁴ ақидасига кўра эса, агар бирор киши шанба қуни пиёз еса, бойиб кетади деб ҳисоблайдилар. Бирор киши сафардан кеч қайтаётган бўлса, супургини қибла томомнга тескари қилиб турғизиб қўядилар ва бу сафардаги инсоннинг тезроқ уйга қайтишига ёрдам беради деб ишонадилар. Агар кимdir якшанба қуни ҳаммомга борса аклдан озади деб ҳисоблайдилар. Ҳар ким жума кечасида озиқ-овқат сотиб олиб, уйига келтирса, уйига барака олибборган бўлади. Агар эшак ўтириб ҳанграётган бўлса, эгасининг ўлими яқин деб ишонилади. Оқ отни тушда ёки ўнгда кўриш эса машҳадликларнинг ақидасига биноан муродларнинг ҳосил бўлишига ишора экан.

Қучон⁴⁵ шахри аҳолиси эса одамларни санаётганда “бир юмалоқ, икки юмалоқ, уч ...” деб санайдилар. Агар супурги бир кимсанинг оёғига тегиб кетса, ундан бир чўп синдириб олинади. Уларнинг иримиға кўра бу йўл билан баҳтсизликнинг олди олинган бўлади. Кечқурун супуриш ҳам хосияти яхши эмас деб ҳисоблайдилар. Агар ликопчада ўгирилган пиёла билан бирон кишининг олдига қўйилиши хурматсизлик белгиси ҳисобланади.

Деррегезликлар⁴⁶ эрта тонгда қарға томни ёки деворни тумшуғи билан тақиллатаётган бўлса, хушхабар келади ёки узоқдан қутилаётган меҳмон келади деб ишонадилар. Улар тухмат ва бўхтонга учрамайлик деган ақида билан

⁴⁴ Машҳад – Хурросон Резовий ўстонининг маъмурий маркази. Эроннинг аҳолиси ва катталиги бўйича Техрондан кейин иккинчи ўринда турадиган шахри ҳисобланади. Шиа мусулмонларининг муқаддас шахри ҳисобланади

⁴⁵ Эрон шимолий шарқида жойлашган шаҳар.

⁴⁶ Деррегез – мамлакат шимоли шарқида, Хурросон Резовий ўстонида жойлашган шаҳар

остонада ўтирмайдилар. Агар эркак киши икки аёл ўтасидан ўтса, баҳти кулиб боқмайди, ақиқ тошли узук баҳт келтиради каби ақидаларга ишонадилар. Агар товук хўрот каби қичқирадиган бўлса, эгаси буни шумлик аломати дея, тезда сўйиб юборади.

Эрон Ғарбий Озарбайжонида жойлашган Таргавар қишлоғида эркак киши ип йигиридиган чарх тагидан ўтса, иснод ҳисобланади ёки агар эркак киши тандирдан чиққан биринчи нонни еса хотини вафот этади деган ақидага ишонишади. Агар бирор киши қайнаб турган сут тагидан чўғ олмоқчи бўлса, қозон эгасига бу ёқмайд ва қўйларининг сутидан барака кетади деб ирим қиласди. Агар тошбақа косаси ва чиғаноқни сарёғ мешига солиб қўйса унинг баракаси кўпаяди деб ишонишади, бўрилар ҳамла қилганда оху каби тез югурсин деб қўйнинг бўйнига охунинг туёғини осиб қўйишади.

Исфаҳон ўстонида жойлашган Эрдестон шахри аҳолисининг ақида ва ишончлари ҳам жуда ўзига хос. Масалан агар шамол шимолдан эssa ҳаво қуруқ ва совуқ, агар жанубдан эssa ҳаво иссиқ бўлади деб ишонишади. Агар суҳайл юлдузи қиз боланинг юзига тушса (қиз болага кўринса) у қизнинг гўзал, оқ юзли бўлади, агар бу юлдуз бтрон мевага тушса у меванинг таъми ширин, ранги тиник бўлади дейдилар. Қуёш ботганидан кейин чиқадиган зухро юлдузи мағриб томонда ёки Каркас тоғлари⁴⁷ устида турса, бу йилни серсув ва ёғингарчилик кўп бўлади деб ҳисоблайдилар, агар зухро юлдузи жануб ё жануби ғарбий томонга оғиб турган бўлса ёки қибла томонга ботса халқ эътиқоди бўйича бу йил қургоқчилик бўладиган ва кам ҳосил олинадиган йил деб ҳисоблайдилар. Ундан ташқари эрдестонликлар ой атрофида думалоқ айлана гардишларни ёғингарчилик аломати деб биладилар. Эски булутлар ўз жойларини янги булутларга бўшатиб берсалар ёки булутлар тоғнинг ўртасини қоплаб олсалар, тоғнинг тепаси ва пастки қисми очиқ дейдилар. Булутли кунларда қарғалар томга қўниб, уй ҳовлиларда сайраб, сакраб юрсалар қор ёғишининг аломати дейдилар. Агар ёмғир майдалаб, мулойим ёғаётган бўлса, демак ҳали узоқ ёғишининг аломати ҳисобланади. Агар чақмоқ, момоқалдириқ бўлиб, кетидан ёмғирга уланиб кетса

⁴⁷ Исфаҳон шимоли-ғарбида жойлашган тоғ тизмалари

олдинда серҳосил йил кутаётганининг, акси бўлса, яъни чақмоқлардан кейин ёмғир ёғмаса қурғоқчилик бўлишининг нишонаси, агар кулранг булат осмонни қопласа, қор ёғишининг аломати ҳисоблайдилар. Кечалари шақоллар овози келса, демак у туннинг эртаси ҳаво очик бўлади дейдилар. Хуллас, эрдестонликларнинг табиат ҳодисалари ва астронимок жисмлар билан боғлиқ ақидалари жуда ўзига хос бўлиб, уларнинг айримларини бошқа халқлар, хусусан ўзбек халқи ишонч-эътиқодларида ҳам кузатишимиш мумкин. Масалан, агар тунда осмонни булат қопласа-ю, шамол кучайса, демак қаттиқ совуқ бўлмайди. Шамол қанчалик қаттиқ бўлса, совуқ бўлиш эҳтимоли шунча кам. Агар кеч кузда тунги самода юлдузлар ялтирай бошласа, кучли шамол туриб, ҳаво совуб кетади. Ёмғир ёғаётганда кучли шамол турса, демак ҳаво очилиб кетади. Кузда кун ботар ва кун чиқар маҳаллар қуёш тўқ қизғиши рангда бўлса, ёғингарчилик бўлади. Ғозлар учиб кетса, тез кунда қор ёғади. Чумчук кўлмак сувда чўмилса, кунлар исиб кетади, қарға чўмилаётган бўлса, ёмғирли кун бўлади. Ой равшан бўлса – кун ҳам очик бўлади, тунд, хира бўлса, ёмғир ёғади. Булутлар турнақатор тизилишса, кун илийди. Қарғалар дарахтнинг баланд шохларида ўтиrsa – совуқ ҳаво, пастки шохларида ўтиrsa – шамолли ҳаво бўлади. Ёмғир катта-катта доналаб ёғса, кўпга чўзилмайди. Об-ҳаво яхши бўлишининг асосий белгиси – осмон текис кулранг булат билан қопланишидир. Шамол қанча кучли эсса, совуқ шунча кучсиз бўлади. Кундузи ҳаво тунд ва кун ботар томон қизил бўлса, ёмғир ёғади.⁴⁸ Гувоҳи бўлганимиздек икки халқ ўртасидаги ирим-сиримлар бир-бирига жуда ўхшаш.

Нишопуда жойлашган Бор қишлоғида ажойиб одат бор: буғдой ўрими пайтида бирон киши икки бошоғи бир-бирига қўшилиб кетган буғдой бутасига дуч келиб қолса, ўша бутани ўрмай, қолдиришади. Атрофидаги барча буғдой ҳосилини ўриб бўлгандан кейин, ер эгаси бир қўй олиб келиб қолдирилган буғдой атрофида уч марта айлантириб олади ва сўнгра шу буғдойга яқин жойда қўйни қурбонликка келтиришади. Унинг гўштини эса қишлоқ аҳолиси ўртасида тақсимлаб чиқади. Борликлар шу йўл, яъни қурбонлик йўли билан келаси йил ер ҳосили янада кўпроқ ва серҳосил бўлади деб ишонишади.

⁴⁸ <https://uzbolakay.ucoz.com/>

Кермоншоҳда яшовчи курд қабилаларидан бўлмиш Санжобийларнинг урфодатлари ҳам ўзига хос: агар тупроққа буланган мушук уйга кириб қолса, демак уйга мусофир келаётганидан дарак; агар бирон киши яноғини ичидан тишлаб олса, бошқа бирор уни бошқа жойда ғийбатини қилаётган бўлади; шанба куни тўй қилиш, сафарга чиқиш бехосият ҳисобланади; агар бирон хонадонда наврўз байрами таомини ерга тўкилса бу оиласдан йил охиригача хафагарчилик ва кўнгилсизлклар аримайди деб ишонишади.

Кермоншоҳда яшовчи бошқа бир курд қабиласи бўлган Калхўр аҳолиси эса бир йилни 365 кун эмас, балки 360 кун деб ҳисоблайдилар. Қолган беш кунни эса ортиқча деб биладилар ва уни “панжа” дея номлайдилар. Панжа фарвардин ойининг 14 сидан бошланади ва 18 санасининг кун ботишида якунига етади. Шу кунлар мобайнида калхўрлар ҳеч қандай ишга қўл урмайдилар. БУ қабила аҳли шу кунлар мобайнида муомала, тўй, борди-келди, меҳмон кутиш ва бошқа шу каби ишларни кейинроққа қолдиради. Фарзандлари ўғил бўлиб, вафот этган аёллар эса тухум пишириб, уларни рангларга бўяб, қабристондаги болаларга тақсимлаб чиқадилар.

Мамлакат ғарбида, Ироқ билан чегарадош ҳудудларда Элам қабилалари яшайди. Аҳолининг аксариятини асосан курдлар ташкил қиласди. Уларнинг ишонч-эътиқодлари ва ирим-сиirimлариҳам юқоридаги курд қабилалариникидан фарқ қиласди. Масалан овчи кўча бошида қарғани кўрса, овдан қуруқ қайтмади, ови бароридан келади, агар қуённи кўриб қолса унда бўш қўл билан овдан қайтади деб ҳисоблайдилар. Бундай иримлар бизнинг халқимизга ҳам ёт эмас. Хусусан, сафарга чиқсан сайёҳ бўри, бургутни кўрса, ўзини омади келган ҳисоблайди. Тулки кўрса, шубҳага тушади, кўнгилсиз воқеа бўлишини кута бошлайди. Эламликлар анжир ва зайдун дараҳтларини муқаддас ҳисоблаб, уларни кесмайдилар. Анор ейишни савоб иш ҳисоблайдилар, уларнинг ақидасига кўра анор – қорни тўқнинг овқатини ҳазм қиласди, қорни очнинг эса қорнини тўйғазади. Ўтганларнинг хотирасига атаб жума оқшомларида анор эҳсон қиласди. Дардан фориғ қиласди деган ишонч билан қизғиши тошдан бўлган тақинчоқни бўйниларига тақиб юрадилар. Садафсифат қазилма тури мавжуд

бўлиб, уни ун турадиган идишига солиб қўядилар – уннинг баракали бўлиши учун. Агар ит ё мушукка сув сепилса, сув сепган одам қўлига сўгал чиқади деб ишонадилар. Агар ит қиши кечаларида бўрига ўхшаб узун-узун увласа шу кечада қор ёғади деб хисоблайдилар.

Форс ўстонида жойлашган Мамасани шахристонида яшовчи қабилаларнинг ирим-сиirimлари ҳам жуда қизиқарли. Масалан, агар бир киши bemor бўлса ватушига тулки кириб уни чақирса, bemor вафот этади деб ирим қилишади. Лекин бу ҳолатнинг олдини олиш учун эронликларнинг ўзига хос усти тўқилган, таги матодан бўлган оёқ кийими – **гиве** ни тескарисини ўгириб қўйишади ва “биздан сих, сендан гўшт” – дейишади. Шунда ўлим бўлмайди деб ишонишади.

Қуёш ва ой тутилган вақтда, олий кучлар ой ва қуёшни олиб қўйишди деган ақидага ишонадилар. Қуёш ва ойни озод қилиш учун ногора чаладилар, ўқ узадилар, турли овозлар чиқарадилар. Мамасани аёллари туфруқ пайтида аёлларни кўркитадиган, урадиган жин борлигига ишонадилар. Бунинг олдини олиш учун эчки жунидан тайёрланган қора арқонни бутун хона атрофига ташлаб, хона эшиги олдини ҳам ўраб чиқадилар. Бундан ташқари, хона эшиги олдига қўй юраги ва буйрагинини, уларнинг ёнига эса пичоқ, туз, пиёз, гивеларни осиб қўйишади. Туққан аёл ва гўдак пешонасига муҳрлангандек қилиб, зарап кўрмасин учун қора чизиб қўйишади. Булардан ташқари оқлик – ун, туз кабиларни, оловни кечалари уйдан олиб чиқиш мумкин эмас. Баҳор фаслида мамасани қабилалари хушвоз «гапи гупи» номли қушни кўришлари билан қуидаги ашулани куйлай кетишади. Зеро бу паррандани қўриб ва шу ашулани куйлашса ҳеч қандай касаллик уларга яқин йўлолмайди деб ишонишади.

گپی گپو

گپم به گپت

باد به لبٽ

شیر میر شکار

بره سیسار (بره سفید)

سسبو به جونت

از این سال تا آن سال

Кермондаги Бачоқчи қабиласи (уруғи) аёллари нон ёпаётган ва сутни кувлаб мой олаётган вақтида эркаклар у ерда туришлари керак эмас. Яъни, эркакларнинг шу ишлар жараёнида ҳозир бўлишлари мумкин эмас. Мазкур қабила аъзолари ҳосил йифим терими пайтида буғдой, арпа ва бошқа айрим дуккаклиларнинг бир қисмини ўрмай қолдирадилар. Ҳосил йифими сўнгига ҳамма ўримчилар қолдирилган ушбу қисмни биргаликда ўрадилар ва бўлишиб оладилар. Кейин эса ҳар бир ўримчи шу ўрилган нарсалар бир неча бошоқдан уйига элтади ва уйлари, чодирлари деворларига илиб қўйишади. Уларнинг ақидасига кўра ушбу бошоқлар илохий бошоқлар бўлиб, хайр-барака келтирадар экан.

Сейистонликларда ҳам ажойиб иримлар мавжуд. Масалан агар кимдир итга сув сепса сўгал чиқади. Агар бирор ким хўroz ёки товуқдан бошқа ҳайвонни “киш-киш” деб ҳайдаса, унинг уйига меҳмон келади. Агар сигир ўз оёғини силкитса ёмғир ёғади деб ишонишади. Агар тузни оловга сепса ёмғир ёғиши тўхтайди. Агар ёзда шамол эсмаса, бир оиланинг тўнғич ўғлинининг иштонини (унинг ёши нечида бўлишидан қатъий назар) тескари қилиб узун таёққа илиб қўядилар, шундан сўнг шамол эсади деб ишонадилар. Уларнинг ажойиб одатларидан яна бири шуки, агар икки илон бир-бирига ёпишиб қолса, шу вақт оиланинг тўнғич ўғли иштонини ечиб, илонлар устига ташлайди ва илонлар бир-биридан ажралганидан кейин эса шу ўғлонга маҳаллий аҳоли “мура” деб атайдиган мунчоқ тақилади. Сейистонликларнинг ақидасига кўра ушбу мунчоқни тақиб юрган одамга омад кулиб бокади. Булардан ташқари, агар ҳомиладор аёлнинг овози илоннинг қулоғига етса, илоннинг кўзлари кўр бўлиб қолади; агар кимдир йил алмашинуви пайтида отнинг кавш қайтариб турганини гувоҳи бўлса, йил тугагунча вафот этади деб ҳисоблайдилар. Гувоҳи бўлаётганимиздек, бу ирим-сиirimлар жуда ажойиб.

Эрондаги Ғарбий Озарбайжон ўстонида жойлашган Ошнуйе шаҳрининг Момаш⁴⁹ қабиласининг эътиқодига кўра эса тунда чашма бўйига бориш, тушдан кейин бирор кимга туз бериб туриш ёки қора қозонни қўйлар олдига олиб бориш баҳтсизлик келтиради. Тунда супурилганда эса одамнинг мол-мулкига зиён келтиради деб ҳисоблайдилар.

⁴⁹ Момаш – Эрон курд қабилаларидан бирининг номи.

Сангсар⁵⁰ шаҳри аҳолисининг иримиға кўра эса, қари кампирлар узоқ умр кўриш учун тўйдан бир кун олдин келин-куёвнинг тўшагида ётадилар, шундай қилсалар уларнинг умрлари янада узаяди деб ҳисоблашади.

Эроннинг жанубий ғарбida яшовчи Бахтиёрий қабилаларининг⁵¹ эътимодига кўра агар бўрининг кўзи тумор сифатида бирор кимсага ҳамроҳ бўлса, у одам ҳеч қандай касалликларга чалинмайди деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, бўрининг оёғини янги туғилган чақалоқнинг бешигига боғлаб қўйилса, бола касалликка чалинмайди ва унга кўз тегмайди деб ишонадилар. Бу каби одатлар яқин-яқингача Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида ҳам мавжуд эди. Янги туғилган чақалоқ бешигининг тагига бўри терисини солиш, тишини тешиб бешикка безак қилиш одати сақланган эди.

Элам⁵² ҳалқида инсон ва ҳайвонларга умр тақсимлаб бериш ҳақидаги ажойиб ривоят бор. Унга кўра, Худо одамни яратганидан кейин, унинг оғирини енгил қилиш учун эшак ва итни яратди. Эшак Худодан ўз вазифаси ҳақида сўраганида, Худо унга ўттиз йил умр берилганини ва шу умр мобайнида инсоннинг оғир юкларини ташиш вазифаси юклатилганини айтди. Эшак Худога ялиниб машаққатли умрини қисқартиришни сўради. Худо унинг хоҳишини қабул қилиб умрини ўттиз йилдан ўн йилга қисқартирди. Шундан сўнг ит Худодан ўз вазифаси ҳақида сўради. Унга ҳам ўттиз йил умр берилгани ва шу давр мобайнида одамзотнинг молини, уйини қўриқлаш, тунлари ухламай, қундузлари ҳушёр бўлиши кераклиги айтилди. Ит ҳам бундай қийинчилклардан умрини қисқартиришни ёлвориб сўради ва Худо буни ҳам қабул қилди. Итга ҳам ўн йил умр берилди. Кейин одам Худодан ўз вазифаси ҳақида сўради ва Худо унга ҳам ўттиз йил умр берилганини ва шу давр ичиди тўкин-сочин ҳаётда яшashi, ит ва эшак унинг хизматида бўлиши ҳақида айтди. Одам эса бу ўттиз йил умр камлик қилишини айтиб, умрини узайтириб беришни Худодан ялиниб сўради. Шунда Худо эшак ва итнинг умридан қирқ йил қолди, хоҳласанг шу қирқ йилни сенга берилган умрга

⁵⁰ Семнон ўстонида жойлашган Мехдишаҳрнинг қадимий номи бўлиб, бе ер аҳолиси сангсар тилида сўзлашадилар.

⁵¹ Бахтиёрийлар лур тилининг лаҳжаларидан бўлмиш бахтиёрий лаҳжасида сўзлашадлар.

⁵² Элам – Эрон гарбida, Ирок билан чегарадош ерларда жойлашган, аҳолисининг асосий қисмини курдлар ташкил қиладиган шаҳар.

қўшиб бераман. Одамзот буни қабул қилди ва шундай буён одам зоти умрининг бошидаги ўттиз йилини ғам-қайғусиз, хурсандчиликда ўтказади ва қолган умрини эса ит ва эшак каби “ҳанграб” ва “вовуллаб” ўтказар экан.

Эламликлар сомон йўлини кўрсалар буни “Макка йўли” деб атайдилар. Айримлари эса сомон йўлини осмоннинг устуни деб атайдилар.

Хulosа қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридагига ўхшаган одатларни кўплаб санаш мумкин. Ҳатто, саноқнинг тагига етиш ҳам қийин. Бу каби иримлар, эътимодлар қандай пайдо бўлганини замирига етишга ҳаракат қиласар эканмиз инсон ҳамиша ҳар бир ҳодисадан ўзига манфаатли жиҳатларни топишга ҳаракат қилганига гувоҳ бўламиз. Инсон хаёлан бу манфаатларни асослашга сабаб ахтаради. Вақт ўтгани сари турмуш тажрибаси мазкур воқеа-ҳодисаларни турларга бўлиш, улардан фойдали ва заарлиларини ажратиш заруратини туғдиради. Оқибатда, халқ тасаввурида “бундай бўлса-яхши, бундай бўлса-ёмон” деган ҳукмлар пайдо бўлади. Масалан, бирорта одамнинг ҳовлисида булбул сайраса, яхши; бойўғли сайраса, ёмон деган тахмин одат тусига кирган. Бир кўринишда аҳамиятсиздек туйилган ҳолат турли урф-одатларга, расм-русумларга асос сифатида асрлар давомида миллатлар онгидан жумладан эрон халқлари онгидан ҳам шаклланиб келган.

ЭРОН ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЭПИК ЖАНРЛАРИ

4. ҚАДИМ ФОРС АФСОНАЛАРИ ВА ЭРТАКЛАРИ

Афсоналар – халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарлар. Афсоналар қадимги одамлар учун тафаккур шакли, улар афсона воситасида олам сир-синоатлари (оламнинг ёки инсоннинг яратилиши, қуёш чиқиши ва ботиши, шамол эсиши ва момагулдурак сабаби ва х.)ни билишга интилганлар, Афсоналарда уларнинг олам ҳақидаги билимлари ўз ифодасини топган. Афсоналар қадимги кишиларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олади.

Эрон заминида яшайдиган халқларнинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ мифларнинг дастлабки намуналари “Авесто” китобида берилган. Аввал оғзаки тарзда вужудга келган асар ёзув маданияти шакллангандан сўнг Зардушт ташаббуси билан 12 000 мол терига олтин ҳарфлар билан битилди.

“Авесто”нинг яратилганига яқин уч минг йил бўлди. Унда Зардушт – оташпаратлик динининг асосий қонун-қоидалари акс этган. Зардушт Ахура Маздага мурожаат қилиб, дунё, инсон, коинот, ҳақиқатнинг вужудга келиши ҳақида сон-саноқсиз саволлар беради. Хусусан, ерга дон экиш, ҳосил йиғиш ҳақида шундай дейилади: “Кимдаким буғдой экса, у Ашаҳ (Ҳақиқат)ни экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. Қачонки эгатларда уруг етилса, девлар ўринларидан қўпадилар. Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар. Қай бир хонадонда буғдой

бош чиқарса, девлар у хонадондан қочадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйини чирмаб ташлайди”.

Агар юқоридаги матнни диққат билан ўқисак, инсон меҳнати бутун ёмонлик ва фожиаларни даф этувчи куч экани аниқ сезилади. Бу насиҳатга амал қилиш инсонни, қон-қариндошларни турли ёвузликлардан асраши девларнинг хонадондан қочиши мисолида аниқ кўрсатилган.

“Авесто”да инсон қасамининг аҳамияти, унинг инсон эканлиги билан боғлиқлик ҳам кўрсатилган:

“— Эй дунёни яратган Зот! Эй Ҳақиқат! Қасамларнинг саноғи нечадир? Ахура Мазда жавоб берди:

— Менинг қасамларим олтита:

Биринчи – сўз қасами;

Иккинчи – қўл қасами;

Учинчи – қўй қасами;

Тўртинчи – сигир қасами;

Бешинчи – одам қасами;

Олтинчи – экин қасами; энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин”.

Бу қасамларнинг тартибига эътибор қаратсак, энг биринчиси – сўз қасами.

Инсоннинг сўзи унинг ори, уяти, ғурури экани қайд этилмоқда. Охирги қасам эса инсон оиласининг баҳоси билан ўлчанмоқда. Зардушт бу қасамларни бузиш қандай жазоланиши ҳақида сўраганда, Ахура Мазда жавобларини баён этади. Бу жазоларни ўқиганингизда, этлар жимиirlаб кетади. Қасамнинг бузилиши уни берган одам учун ўлим экани аниқ сезилади.

Умуман, “Авесто” билан танишиш асарнинг қомусий мазмунга эга эканини кўрсатади. Айрим парчалар худди бугунги қунда ёзилгандек туйилади:

— “Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қиласи ва тириклик идрокини хароб қиласи”.

— “Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кимсаларгагина яхшилик насиб этади”.

“Фикр, сўз ва амал оламидан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман”.

— “Ерга яхши ва кучли уруғ сепмоқ дунёдаги энг зарур қонун ҳисобланади”.

Ҳатто, китобда айтилишича, қарз олиб, қарзини бермаган одам ўғрилик қилган кишига тенглаштирилади. Оловга нопок нарсани ташлаб ёқиш қораланади. “Авесто” китобида эзгулик оламини яратувчи Ахура Мазда билан ёмонлик олами худоси Ангра Маню (Ахриман) қарама-қарши қўйилган. Улар ўртасидаги муносабатни тасвирилаш давомида Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид, Гершасп каби қаҳрамонлар иштирок этган воқеалар баён этилади. Хуллас, “Авесто” уч минг йил муқаддам яшаган ота-боболарнинг ҳаёт тарзи қандай бўлганидан аниқ ва далилий хабар берувчи гўзал тарихий-адабий ёдгорлиқdir. Факат “Авесто”да бу маълумотлар асотир қўринишида акс этган.

“Авесто”нинг бизгача сақланиб етиб келган тўрт қисмидан бири “Вендиад” китобининг учинчи боби дехқончилик, хонаки чорвадорлик, оила, покиза ҳаёт, оловни улуғлашга бағишлиланган. Бу боб Ахура Маздага саволлар ва унинг жавоблари асосига қурилган.

Жумладан, Зардушт шундай савол беради:

- Эй, моддий оламнинг яратувчиси! Ер юзида қайси ўлка сенга энг мақбулдир?

Ахура Мазданинг жавоби:

- Қаерда тақводор инсон ўзига оила қурса, унда олов ва сут, аёл ва фарзандлар, чорва бўлса, ўша ўлка мақбулдир, бундай ўлкада чорва ҳам мўл, аёл ва фарзандлар ҳам мўл, олов ва турли неъматлар ҳам, озуқа ва итлар ҳам мўл, тақводорлик ҳам ортиқдир...

Эй, Зардушт Спитама! Қаерда ғалла, ўт-ўланлар, емиш учун турли сабзавот ва мевалар кўп етиштирилса, қўриқ ерлар суғорилиб, ботқоқликлар қуритилса, қўй ва моллар кўп боқилса, улар гўнги ерга (тупроққа) солинса, ўша ўлка энг мақбул ўлкадир. Кимки бу ерга, эй, Зардушт Спитама, ўнг ва чап қўли билан ишлов берса, ўша, дарҳақиқат барака топади.

Севгувчи эр ўз маҳбубаси-аёlinи юмшоқ ўринда қандай эркалаб, унга ўғил ё бошқа фарзанд бахш этса, дехқоннинг ерга ишлов бериши ҳам шунга ўхшашдир.

Шунда ер унга айтади:

- Эй, инсон, сен мени ўнг қўлинг ва чап қўлинг билан парвариш этсанг, чап қўлинг ва ўнг қўлинг билан ишлов берсанг, мен сенга мўл ҳосил ва турли неъматлар етказиб бераман.

Ким агар бу ерга ишлов бермаса, эй, Зардушт Спитама, агар ўнг қўли ва чап қўли билан ерни парвариш этмаса, ер унга айтади:

- Эй, инсон, сен менга парвариш бермас экансан, билки, агадул-абад ўзгалар эшиги олдида сарғайиб, тиланиб турувчилар қаторида бўласан, сенинг олдингдан эртаю кеч турли таомларни олиб ўтишади (сен эса қараб қола берасан)...

Ким ғалла экса, у тақводорлик уругини экади, ғаллани ўриб янчишга тайёрлашганда, девларни тер босади, тегирмонни ун тортишга ҳозирлашганда, девлар тоқати тоқ бўлади, ундан хамир қоришга киришганларида, девлар зор қақшаб фарёд чекишади, хамирдан кулча ясаб, тандирга ёпишганда, девлар даҳшатдан уввос тортишади».

Иккинчи мисол: Яна «Вендидад» китобининг иккинчи бобида Жамшид (асли Йима вахишта - гўзал Йима) ҳақидаги миф баён қилинади. Ушбу асотир мазмуни қуйидагича:

Бутун оламлар парвардигоридан Зардуштга пайғамбарлик рутбаси иноят бўлгач, у тангрига мурожаат қилиб сўрайди:

«Эй, бутун дунёнинг яратувчиси, муқаддас зот Ахура Мазда (Олий билимлар эгаси)! Сен мендан илгари инсонлардан қай бири билан суҳбат қилгансан, кимга илк бор Ахура Мазданинг муқаддас динидан таълим бергансан!»

Олий билимлар эгаси бўлмиш ягона тангри унга шундай жавоб қиласди:

«Эй, Ҳақ бандаси Зардушт! Сендан илгари мен илк бор инсонлардан Йима (Жамшид)га, чорва ва йилқи подалари эгаси ўшал гўзал инсонга хабар йўлладим. Мен унга: «Эй, Вивахванта ўғли гўзал Йима! Сен менинг динимни ўрганиб, уни ҳимоя этишга тайёргарлик кўргин», дедим. Аммо, эй, Зардушт, ул гўзал Йима шундай жавоб қилди:»Мен бундай вазифа учун яратилмаган бўлсам, ўқимаган бўлсам, мен дин-эътиқодни чуқур ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга қодир

эмасман». Шунда, эй, Зардушт, Мен - Ахура Мазда - унга буюрдим: «Агар сен, эй, Йима, менинг динимни ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёр бўлмасанг, унда мен яратган дунёни обод қил, кенгайтириш. Сен ушбу ер юзини ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга ва бошқариб туришга масъул бўл!» Ва, эй, Зардушт, ул гўзал Йима менга жавоб қилди: «Мен сен яратган дунёни обод қиласман, уни кенгайтираман, уни ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга, бошқариб боришга мен тайёрман.»⁵³

Шундан сўнг 900 йил давомида Йима (Жамшид) ер юзини обод қилиб, турли ҳунарларни жорий қилади. Бой моддий маданият бунёд этилади. Аммо (Фирдавсий талқинига кўра) умрининг охирида Жамшид эришилган ютуқлардан ғуурланиб кетиб, кибрга берилади. Ўзини «яратувчи» эълон қилиб, бутун халқдан ўзига сажда қилиш, сифинишни талаб қила бошлайди. Шунгача, ривоят қилишларича, ўлим ҳам, касаллик ҳам, совук ҳам, очлик ҳам бўлмаган экан. Жамшид ўзини «худо» деб эълон қилгач, ер юзига ўлат тарқайди, очлик ва қаҳратон совук бошланади. Ва охир-натижада даҳшатли ёвуз куч - Ажи Даҳака (Фирдавсий “Шоҳнома”сига кўра Захҳок) юртга бостириб кириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатади ва минг йил эл-юрт зулмат ичидаги қолади.⁵⁴

Профессор Н.М.Маллаевнинг маълумот беришича, мифлар ҳақида яна “Бундахишн” китоби ҳам бор. “Мифологияга кўра, Гайа Мартан (Каюмарс) ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Ҳурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: ҳўқиздан ва одамдан ташкил топган экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Аҳриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг ҳўқиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўқиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади”.

“Авесто”дан ташқари афсоналарни қадимги форс тошбитикларидан, эроний бўлмаган манбалардан, масалан юонон манбаларидан ҳам топиш мумкин.

Абулқосим Фирдавсий Тусийнинг “Шоҳнома”си ҳам Эрон афсонавий тарихини ўрганишда энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Адид талқинида

⁵³ Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литературы. М.-«Наука»-1972, с. 50-51.

⁵⁴ М.И момназаров. Форс адабиёти (Х-XV асрлар).- Т., 2019.14-15-с.

афсона ва асотирлар ўқувчи кўз олдида жонланади, афсонавий қаҳрамонларнинг тимсоллари тирик инсонларга айланиб ҳаракатланади, фикрлайди ва сўзлайди, азобланади ва шодланади, китобхоннинг руҳига таъсир қиласи. Шу билан бирга “Шоҳнома”нинг айрим қисмларида “Авесто” асотирларининг таъсири яққол сезилиб турди. “Шоҳнома” тўрт минг йилга яқин муддатни ташкил қилувчи жуда катта афсонавий ва тарихий даврни ўз ичига олади. Маҳоратли адаб бу достонда Эрон афсонавий ва ҳақиқий тарихини қамраб олишга ҳаракат қилган. Бу ишни бажариш учун у жуда кўп ҳужжат тўплаган, араб ва паҳлавий тилларида кўп асарлар ўқиган, кўп меҳнат қилган, шунчалик катта материалларни уйғунлик билан бирлаштириб, барча қисмлари бир-бирига мутаносиб бўлган “Шоҳ китоб” яратган. Улуғ немис шоири Гёте ўзининг “Фарби-шарқ девони”ига ёзган шарҳларида Фирдавсий Эроннинг афсонавий ва тарихий ўтмишини ёзгач, кейинги авлодларга умумий гап ва баъзи талқинлардан бошқа нарса қолмаганлигини қайд қилиб ўтади.⁵⁵

Катта эпик достон бўлмиш “Шоҳнома” қадим эроний қабилалар тўқиган афсоналар, қаҳрамонлик достонларини, халқ хаёлида яратилган ва халқ қалбида ардоқланиб келаётган қадимий қаҳрамонлар, эпик баҳодирлар, оддий меҳнат аҳли вакиллари ҳақидаги қиссаларни ўз ичига олади. Фирдавсий халқ яратган сюжетларни катта маҳорат билан бирлаштириб муazzам бир достонга айлантириди.

“Шоҳнома”нинг бош қаҳрамони сейистонлик баҳодир Рустамдир. Филология фанлари докторлари Мухаммад Нури Османов ва Шоислом Шомуҳамедовлар Фирдавсийнинг ушбу асарининг ўзбекча таржимасига ёзган сўзбошисида шуни қайд қилиб ўтадиларки, сейистонликларнинг аждодлари – саклар Эрон мифологияси, афсона ва қаҳрамонлик ривоятлари пайдо бўлган даврдан анча кейин Сейистонга кўчиб келган эдилар. Фирдавсий истифода этган қадимги Эрон “Худойнома”ларида Рустам ҳақида маълумотлар ё бутунлай бўлмаган, ё аҳамиятсизроқ персонажлар қатори тилга олинган. Аммоқайси бир вақтда Сейистон баҳодирлариҳақидаги ривоятлар Эрон қаҳрамонлик эпосига

⁵⁵ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Т.1975. 8-с.

қўшилганлиги аниқ эмас. “Шоҳнома”да эса сейистон баҳодирлари, айниқса Рустами Достон асосий ролни ўйнайди.⁵⁶

Хулоса қилиб айтганда “Шоҳнома” асар муаллифига боқий умр бериб унинг номини бутун жаҳонга машҳур қилди. Асарнинг шуҳрати минг йиллар мобайнида сўнмай, аксинча бу шуҳрат барқ уриб яшнаб бормоқда.

Эртаклар. Ғайбдан илҳомлантирувчи халқ руҳи аввал мифларни яратади, кейин эса мифлардан эпос, эртак, лирик қўшиқ ва шу каби бошқа жанрлар туғилади. Эрон фольклорининг энг бой жанрларидан бири бўлган форс халқ эртаклари ўз сюжети, шакли ва бадиий тасвир воситалари билан ниҳоятда хилмахилдир. Эрон фолклоршунослигига **افسانه** атамаси ҳам мифларга, ҳам эртак атамасига нисбатан ишлатилади.

Халқ фантазияси, хаёлот олами форс эртакларидағи ижобий қаҳрамонларни жамики инсоний фазилатлар, хислатлар билан сийлаган. Маълумки, эртаклар ҳақиқий сўз санъати сифатида қадимдан яшаб келаётган халқ оғзаки ижодидаги эпик жанрдир. Эртаклар барча халқлар оғзаки ижодида қадимдан шаклланган ва фаол жанрлардан саналади. Эртаклар, асосан, насрда яратилиб, сюжети асосида сехрли-фантастик, саргузашт ёки майший характердаги воқеалар ётади, воқеалар баёни ва талқинда ижодий фантазия, тўқима салмоқли ўрин тутади. Бироқ бу эртаклар воқелик билан алоқасини тамомила узган дегани эмас, Эртаклар (айниқса, майший эртакларда) реаллик билан алоқа яққол кўзга ташланади. Қадимийлиги туфайли эртакларда аждодларга хос мифологик тафаккур элементлари, тотемизм, анимизм қолдиқлари сақланиб қолган. Мазкур ҳол сехрли эртаклар билан ҳайвонлар ҳақидағи эртакларда кўпроқ сезиладики, бу уларнинг нисбатан қадимийроқ эканлигининг далолатидир. Хуллас, эртакларда ижтимоий ҳаётнинг турли қирралари, мураккаб ижтимоий муносабатлар, ота-боболарнинг ижтимоий идеаллари акс этади. Фаол ва кенг оммалашган жанр сифатида эртаклар кишилик жамиятида улкан тарбиявий миссияни ўтагани шубҳасизdir.

Форс халқ эртаклари афсоналардан ижод усулини ўзлаштирган. Бу анъана форс халқ эртакларининг умумий мазмунида бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

⁵⁶ Абулкосим Фирдавсий. Шоҳнома. Т.1975. 14-с.

Бошқа халқлар каби, форс халқи ҳам ўз эртакларида чегарасиз равища хаёлот оламини кезиб чиқади. Яъни уларда халқ фантазияси маҳсули бўлган чегара билмас уйдирмалар, трансфигурация (бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш) ҳолатлари ўқувчини ўзига жалб этади.

Форс халқ эртакларининг бадиий ижод намунаси сифатидаги жанр хусусиятлари қуидагилардан иборат:

1. Эртаклар халқ оғзаки ижодининг эпик турига мансуб.
2. Эртаклар, асосан, насрда яратилган. Фақат айрим эртаклардагина қўшиқни эслатувчи шеърий парчалар учрайди.
3. “بىكى بود يكى نبود” (“Бир бор экан, бир йўқ экан”) бошламаси анъанавий белгиси ҳисобланади.
4. Хаёлий-фантастик тасвир эртаклар сюжетида қўлланадиган устувор усулдир.
5. Эртакларнинг умумий мазмунида IMF формуласи доимий тақрорланади, яъни ҳар бир эртак I – инициал – бошланма; M – медиал – асосий қисм; F – финал – яқунланмадан иборат бўлади.

Ўқувчи эртаклардаги уйдирмаларга тўла ишонади, асар қаҳрамонларининг тақдирига бефарқ қарай олмайди, севикли малика ёки чўпон муваффақият қозонса, бу ғалаба ўзиникидек қувонади. Халқ эртаклари мазмунида ижтимоий, иқтисодий, майший ҳаётнинг ҳамма масалалари ўз ифодасини топади, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам ер юзининг ҳамма минтақаларида яшайдиган халқларда умумий ҳаёт тарзи яқин бўлгани сабаб бир хил мазмундаги эртаклар кўп учрайди. Араб, ҳинд, хитой, япон ва бошқа шарқ, ҳатто баъзан ғарб халқлари эртаклари аксарият ҳолларда форс ижодидаги бу жанрдаги асарлар мазмунини тақрорлайди. Фақат бирида пишлок, узум; бирида гуруч; бошқасида тухум ёки қатиқ каби нарсалар фарқи сезилади. Фақат бу ҳолат сабабини юқорида қайд қилганимиздек, бир халқдан иккинчи халқнинг ўзлаштириши деб эмас, умумий ҳаёт тарзининг яқинлиги билан асослаш маъқулроқдир.

Масалан, ака-ука Гриммларнинг машхур эртакларидан бири “Бодом дарахти” ва форслардаги “Дарбадар булбул” эртакларида умумий жиҳатлар жуда

кўп. Аммо бу асарларнинг ҳар бири бевосита ўша халқ ижоди намунаси деб тан олинади.

Халқ табиатан ҳамиша адолатни ёқлади, ҳимоя қилади. Эртаклар яратилиш жиҳатдан мифларга асосланса, мавзунинг танланиши, образлар тизимидағи йўналишлар, ҳаёт муаммоларини акс эттиришда адолат мезонига бўйсунади. Қаллоблик, виждонсизлик, хиёнат, ёлғончилик, маънавий нопоклик каби иллатлар доимий равишда қораланади. Мардлик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, иймонлилик, поклик фазилатлари ҳурмат билан тилга олинади. Воқеанинг тугуни ҳам ҳамиша ана шу фазилатларни улуғлаш билан ечимини топади. Халқ томонидан ўйлаб топилган фантастик ҳодисалар, уйдирма лавҳалар, сехрли нарсабуюмлар, жодулар, ғайритабиий ҳодисалар эса том маънода ёвузликнинг қораланиши, эзгуликнинг мақталишида поэтик хомашё сифатида фойдаланилади.

Форс халқ эртакларининг айримлари жуда қадим замонларга, исломгача бўлган давларга, айримлари эса исломдан кейинги давларга бориб тақалади. Бундай эртакларни бир-биридан аератиш осон иш эмас.

Рус шарқшуноси А. Розенфельд 1958 йилда нашр қилинган “Персидские народные сказки” тўпламига ёзган сўзбошисида эртак жанрнинг ўрганилиши тарихига алоҳида тўхталиб ўтган. Олимнинг маълумот беришича, иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда эрон адиблари, ёзувчи ва шоирлари ўз бой маънавий фольклорига кам эътибор қаратганлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек олим форс фольклоршунослиги ривожига муносаб ҳисса қўшган машҳур эрон ёзувчиси Содик Ҳидоят (1904-1951) XX асрнинг 30 йилларида биринчилардан бўлиб эрон халқ оғзаки ижодига оид маълумотларни тўплашни бошлагани, халқ эртакларини тўпловчиси ва серғайрат тарғиботчиси сифатида Фазлулла Мўтади Сўбҳийни номини тилга олади.

Таниқли эрон фолклоршунос олими Манучехр Салимий 2011 йилда қадимги эрон халқ эртакларини тўплаб, уларни уч жилдда нашр эттирди.⁵⁷ Ушбу тўпламда олим форс халқ эртакларини таснифлаб, уларни – افسانه های حیوانات و حشرات – افسانه های پریان و دیوها و جادوگران – ҳайвонлар ва ҳашаротлар хақидаги эртаклар,

⁵⁷ افسانه های ایرانی. منوچهر سلیمی. تهران 2011

Афсане ҳай парилар, девлар ва жодугарлар ҳақидағи эртаклар (ёки сехрли эртаклар), Афсане ҳай ажтамауи авлийлар ва подшохлар ҳақидағи эртаклар, – мұдсанан әдәшахан – миший-ижтимоий эртаклар, – Афсане ҳай миший-ижтимоий эртаклар, – бир-бирига боғлиқ Афсане ҳай бешт и жаңнат ва дүзах ҳақидағи эртаклар, – Афсане ҳай жем – жем – Афсане ҳай мұншык и мөл һа күвноқ ва киноявий эртаклар каби турларга бўлган. Қуйида ушбу турдаги эртакларнинг айримлари кўриб чиқамиз. Эртакларни тасниф қилиш қанчалар мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу таснифлаш шартли эканлигини таъкидламоқчимиз.

(Афсане ҳай ғиёнат и ғиранат)

Ҳайвонлар ҳақидағи эртакларни айрим мутахассислар сехрли-фантастик эртаклар туркумига мансуб ҳисоблайдилар. Бундай эртакларда ҳайвонлар иштироки, уларнинг асар қаҳрамонлари билан сухбатда бўлишлари айрим олимларнинг сехрли эртаклар деб аташларига ҳам асос беради.

Форс халқ эртаклари орасида ҳайвонлар ҳақидағи эртакларга "Дада қмр и ғрғ" ("Камар оға ва бўри"), "Шер и ғиранат" ("Шер ва ҳийлагар тулки"), "Блбл" ("Гапирадиган булбул"), "Дусти ғнжшк" ("Зиёфатчи мушук"), "Схнго" ("Чумчук ва қиргийнинг дўстлиги"), "Кдо ғл глизен" ("Лойқада унган қовоқ") каби эртакларни санаб ўтиш мумкин.

Хуллас, ҳайвонлар ҳақидағи эртаклар мазкур жанр шаклланишидаги дастлабки намуналарни ташкил этган. Уларда қадимги аждодларнинг мифик дунёқараши ўз ифодасини топган. Кейинги намуналарда одамлар ўртасидаги ижтимоий, миший муносабатлар мажозий усулда ўз ифодасини топган. Уларда, асосан, кўпроқ тарбиявий мақсадлар назарда тутилган. Ва, ниҳоят, бу турдаги эртакларнинг нисбатан кейин яратилган намуналарида маърифий маълумот бериш мақсади амалга оширилган.

Сехрли эртаклар – Афсане ҳай ғиранат и ғиранат – парилар, девлар ва жодугарлар ҳақидағи эртаклар) Жаҳон халқлари эртакларидаги умумий ўхшашлик ҳақида фикр борганида, кўпроқ сехрли эртаклар назарда тутилади. Инсон қадим замонларда ҳам хаёл сурган, ўзича турли-туман ғаройиб воқеларни

ўйлаб топган. Аслида, мифларнинг вужудга келишида ҳам аждодлардаги айнан ана шу хусусият етакчи аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик фантастик воқеалар тотем, фетиш образлардан учар гиламларга, сехрли дастурхонларга, олтин қайнайдиган хумларга, истаган одамни истаган пайтда кўриш мумкин бўлган жомларга, ойналарга ўтган. Бундай воқеаларни ўйлаб топиш аждодлар орзулари, ҳаваслари билан асосланган. Йўл азобидан азият чеккан инсон учар гилам, от, манзилга кўз очишида етказган бўрини ўйлаб топган. Озиқ-овқат топишга қийналган одам эса очил дастурхоннинг ижодкорига айланган. Натижада, сехрли эртаклардаги воқеа-ҳодисалар ҳақиқий маънода аждодлар орзу-ҳавасларининг мажмуасига айланган.

Ғайритабиий мўъжизалар рўй бериши, афсунгарчилик, сехрли воқеалар, бир нарсанинг иккинчисига айланиши, булар ҳаммасининг муайян тизим тартибида ҳикоя қилиниши сехрли эртаклар хусусиятини ҳосил қиласди. Сехрли эртак қаҳрамонлари ўлиб қайта тирилиш хусусиятига эга эканликлари билан ҳам бизни ўзига жалб қиласди. Тўғри, ўлган одамга жон ато этилиши қадимги аждодларимиз дунёқарashi ифодаси сифатида баҳоланади. Аммо айни пайтда ўлган одам руҳининг кун, ой, йиллар давомида ўзи яшаган хонадондан ажрамаслиги, турли шакл-ҳолатларда қариндошларига кўриниб туриши сехрли эртакларда оддий тасвир воситаларига айланганини ҳам қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Халқ онгida инсоннинг бирон яхшилиги, албатта, тақдирланиши лозим. Асар қаҳрамони семурға, айикқа, лайлакка кўрсатган ёрдами эвазига мушкуллари осон бўлади. Унинг ёрдамидан фойдаланган ҳайвонлар кейинчалик сехрли имкониятлари билан қаҳрамон ҳамроҳига ва бирон олижаноб мақсадни қўлга киритиш воситасига айланадилар. Айрим эртакларда эса адолат айнан ана шу яхшилик эвазига ғалаба қозонади. Сехрли эртаклар жозибаси, кўпинча, асардан ўрин олган мўъжизавий сафарлар, ҳайратомуз тўкинлик акс этган лавҳалар, хаёл бовар қилмайдиган жоду ва афсонавий учрашувлар тасвирида ўз ифодасини топади. Эртакларда хаёт шу қадар мазмунли ва бебаҳо эҳсонки, унда бўлиши мумкин бўлмаган ҳодисалар тизимининг ўзи йўқ, ечими топилмас муаммо учрамайди, деган халқ фалсафаси нафас олади. Қимматбаҳо тошлар, баҳайбат

девлар, серхосил мевали дарахтлар, тўкин дастурхон, гўзал парилар, ҳийлагар жодугарлар, дабдабали саройлар, сирли ёй, гилам, қалпоқ, жомлар сехрли эртакларнинг асосий унсуруни ташкил қиласиди Сехрли эртаклар бадиияти, улардаги сўзлар магияси бизни руҳан ўз оғушига олади. Эртакни тинглаган одам халқнинг чексиз хаёлий воқеалар ўйлаб топишига қойил қолади. Форс халқ эртаклари орасида сехрли эртаклар энг кўп ўрин эгаллайди. Масалан پا دا ش – “Мукофот” ، کو – “Қовок” ، مرغ سعادت – “Баҳт қуши” ، Парилар شوҳининг қизи” ، درویش جادوگر – “Жодугар дарвиш” ، ماه طلا – “Олтин ой” ، سفید – “Оқ мушукнинг қасри” ، خارکن – “Тикан юлувчи” ، طلا مجسمه های – “Олтин ҳайкал” каби қатор эртакларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шундай қилиб, форс сехрли эртакларини мазкур жанр шаклланаётган давр маҳсули деб баҳоласак, хато бўлмайди. Улардаги ҳайратомуз гўзал тасвиirlар асарни ижро қилиш давомида эртакчининг маҳорат даражасига кўра қўшилиб борган бўлиши мумкин. Тажрибали ва истеъодли эртак айтuvчи ровийлар ўзи эшитган ва эндиликда айтмоқчи бўлган эртагига ижодий янгиликлар қўшгани эҳтимолдан холи эмас. Сехрли эртаклар инсон фантазияси чексиз эканини исботлайди. Улар турмуш ташвишларидан мушкул ҳолатга тушган ўтмиш аждодларнинг овуниш воситаси бўлган. Эртакни айтиш ёки эшитиш келажакка ишонч бағишилаган.

Ижтимоий-маиший эртаклар (افسانه های اجتماعی) Бундай эртаклар фольклоршуносликда “хаётий-маиший”, “хаётий-сатирик”, “ижтимоий-маиший”, “хаётий эртаклар” деб ҳам юритадилар. Ижтимоий-маиший эртаклар мазмун жиҳатдан ҳайвонлар, сехрли эртаклардан бевосита ҳаётий воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиши билан фарқланади. Тўғри, бу турдаги эртакларда сехрли-фантастик белгиларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо умумий ифода чегараси майший эртакларда анча чекланган. Чунки уларда халқ, аввало, оддий одамлар қўлидан келадиган ишлар юзасидан фикр юритади. Бевосита реал ҳаёт, турмушда рўй бериши мумкин бўлган воқеалар асос қилиб олингани учун ҳам бундай асарлар туркумига ижтимоий-маиший эртаклар атамаси берилган. Уларда ҳақиқий ҳаётдаги инсон – миллат вакили (ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий бўлсин), унинг

имконияти даражасидаги жисмоний кучи, илми, ақлига воқеалар заминида тавсиф берилади. Аксарият ҳолларда асар қаҳрамонларининг исмлари ҳам қайд этилмайди. Чол, кампир, бир одам, ўғил, қиз, камбағал каби номли инсонлар мазкур эртакларнинг қаҳрамонлари бўлиб келаверади. Бу билан доно ҳалқ эртакда бевосита тингловчи аҳолининг ҳар бири асар қаҳрамони эканини таъкидлаган бўлиши мумкин. Баъзан эса шахс ҳақидаги маълумотлар ўта аниқ шаклда берилади. Эртакчи бу усул билан ҳам қаҳрамон тақдири тўқима эмаслигини уқтиргандек бўлади. Аслида қаҳрамон исми берилса ҳам, берилмаса ҳам асосий мақсад эртакдаги ҳикоя қилинаётган воқеа оддий майший турмуш шароитида кечганини таъкидлашдан иборат бўлади. Кейинги мақсад асар иштирокчилари бошидан кечирган турмуш лавҳалари воситасида ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб етишуви учун тарбиявий замин ҳозирлашдан иборатdir.

Ижтимоий-майший эртакларда тўғрилик ва эгрилик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, поклик ва нопоклик, мардлик ва хиёнат доимий равишда қарама-қарши қўйилади. Ҳалқ эртак давомида кичик, эътиборга арзимайдиган унсурлардан усталик билан фойдаланади, вазият ечимини улар орқали ҳал қиласи. Бундай эртаклар қаҳрамонлари форс миллатининг рамзий вакили, улар ҳалққа иймон, виждон, эрк, идрок, ирода, қаноат, ақл, ҳунар, илм ҳақида тарбиявий тушунчалар беради.

Хулоса қилиб айтганда, форс ҳалқ эртаклари бадиий сўз санъатининг гўзал намунаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга. “يکى بود يكى نبود” – “Бир бор экан, бир йўқ экан” жумласидан бошланар экан, эртак “мурод-мақсадига етибди” деган якунгача тингловчи диққати воқеаларга тўлиқ равищда жалб этади. Ундан кейин нима бўлади, бу ҳодиса қандай тугайди, деган саволлар тингловчи хаёлини банд этиб туради. Эртакларнинг яшовчанлигига сабаб ҳам уларнинг бадиий мукаммаллиги билан белгиланади. Уларнинг ҳажми мазмунда ифодаланган воқеалар тизимига, муаммоларнинг ечимига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам форс ҳалқ эртаклари бир неча дақиқада айтиб тугалланиши мумкин. Айни пайтда бир неча кечалар давомида айтиладиган намуналари ҳам бор. Фольклоршуносликда эртак жанри бугунги қунда аста-секин йўқолиб бормоқда, деган мулоҳазалар йўқ

эмас. Аммо ҳозирги кунда бир неча жилдлаб эртак китобларининг нашр қилиниши ва севиб ўқилиши бу фикрни билдиришга ҳали эрта эканини кўрсатади. Масалан юртимиизда ҳам “Жаҳон ҳалқлари эртаклари” туркумида нашр этилаётган дунё ҳалқлари эртаклари, хусусан форс ҳалқининг болаларни тўғрисўзлик, меҳнатсеварликка ундовчи, ишбилармонлик, ватанпарварлик каби фазилатларни улуғловчи, ёлғончилик, ҳасадгўйлик, дангасалик каби иллатларни қораловчи қизиқарли эртаклари жамланган тўпламлар нашр этилмоқда.⁵⁸ Бу ижобий ҳолатнинг бош сабабини ҳам эртаклар бадииятидан ахтариш мақсадга мувофиқdir. Аввало, эртаклар сюжети пухта ўйлаб тузилган режага бўйсунади. Ҳар бир воқеа иккинчиси билан узвий боғланади, кейинги лавҳалар аввалгиларидағи тушунчаларни ривожлантириб боради. Эртакларда ҳалқ миллий тилига мансуб сўзлардан ўрнида фойдаланиш сезилади. Бу жанрга мансуб асарларда, албатта, қизлар ўн тўрт кунлик ойдан гўзал, йигитлар мард, қиличлар кескир, дастурхонлар очилувчан, хумлар қайнама хусусиятларга эга бўладилар. Эртакларда жуда бой ва турли-турли ўхшатиш, сифатлаш, муболагалар мажмуасига дуч келамиз. Шунинг учун ҳам оғзаки ижод таркибидаги бу асарлар хақиқий маънода қадриятлар намунаси, маданий мероснинг ноёб гавҳар – инжулари даражасида эъзозланади.

5. ЛАТИФАЛАР ВА ҲАЖВЛАР

Эронликлар дунёдаги бошқа ҳалқлар каби ҳазилни, тақлидни, кулгини яхши кўрадилар. Кулги инсонга соғлик, яхши кайфият, ўз-ўзидан қониқиши туйғусини бағишлиайди. Инсон қалбидаги ташвишни, танасидаги хасталик хуружини четроққа суришда кулгили латифалар жуда самарали восита ҳисобланган.

Ҳалқ оғзаки ижоди ҳаётнинг ҳамма шароитига мос асарлардан ташкил топган. Латифалар – **لطيفه** ана шу фикрнинг яна бир далили бўлиб хизмат қиласиди. «Латифа» атамаси арабча «лутф» (**لطف**) сўзидан олинган бўлиб, нозик фикрлаш, яхшилик қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, шарафламоқ маъноларини англатади.

⁵⁸ "Жаҳон ҳалқлари эртаклари". "Ўзбекистон" НМИУ, 2018 йил, 245 бет

Шунингдек, луғатларда латифа нозик, ихчам, кичик, чукур ва кенг маъноларини ифодалайди. Латифа Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Эрон халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида кенг тарқалган жанр.

Халқ оғзаки ижодида латифалар тематик жиҳатдан турли-туман, марказида кўпроқ кулгили воқеа ётади, аксар ҳолларда воқеа биргина эпизод билан чекланиб, ҳажвий-юмористик рух билан йўғрилган бўлади. Умумий қаҳрамонга эгалик латифаларнинг яна бир хусусиятидир. Жумладан, хиндларда Бирбол, арабларда Жўха, қозоқларда Алдар кўса, тожикларда Мушфиқий, туркманларда Мирави, қорақалпокларда Умрек лаққи, эронликларда эса **Мулла Насриддин**, бизда эса Насриддин Афанди ёки Хўжа Насриддин латифаларнинг умумий қаҳрамони сифатида ҳаракатланадилар.

Фольклорга хос вариантилилк жумладан, матнларда муштарак вазиятлар латифаларда жуда кўп учрайди. Аммо бундай ҳолатларда қайси халқ вакилидан бошқа халқ вакили муайян воқеани ўзлаштирган ёки кўчирган деган саволни қўйиш тўғри эмас. Ижтимоий, майший ҳаётдаги ўхшашликлар оқибатида бир хил латифалар яратилган деб асослаш маъқулроқ натижа беради.

Ҳақиқатан ҳам, халқ яратган Мулла Насриддин латифаларидағи турфа кулгили воқеа-ҳодисалар шу қадар серкўлам ва ибратлики, улардаги умумий мазмун бир инсон ҳаёти чегарасига сиғмайди. Шунинг учун мазкур латифаларнинг бош қаҳрамонини Мулла Насриддин рамзида мужассам топган халқ деб тушуниш ҳақиқатга яқинроқ.

Мулла Насриддин латифаларида бош қаҳрамон ўта ҳозиржавоб, ўта зукко, доно ва тадбиркор инсон сифатида гавдаланади. Ҳаётда уни сўз билан, хатти-ҳаракат билан ечими йўқ вазиятга тушириш мумкин эмас. Чунки ақлли, мутафаккир Мулла Насриддин қиёфасида бутун халқнинг, миллатнинг сўзга чечанлиги, закий, яъни нозик фикр юритиш фазилати ўз ифодасини топган. Ҳар бир латифа матнида уни ўйлаб топган шахс ақли, вазиятни аниқлаш кайфияти ва заковати намоён бўлади. Латифаларнинг эътиборли, тингловчини ўзига жалб қиласидиган жиҳати шундаки, уларда савол-жавоб қилаётган тарафлар бир-бирини мутлақо ечими топилмас вазиятга туширишга уринадилар. Айниқса, Мулла

Насриддин қисмати латифанинг якуний қисмига етгунга қадар жуда оғир ва чорасиз тақдир шароитида тасвирланади. Аммо халқ Мулла Насриддин тарафида бўлгани учун ана шундай мушкул вазиятдан ҳам ўз топқирлиги, сўзга усталиги билан қаҳрамонимиз ечим топиб кета олади. Бир нечта мисолларга мурожаат қиласайлик:

تجربیات اثبات شده

ملا در انافقش نشسته بود که مگسي مزاحم استراحتش مي شود، مگس را مي گيرد و يك بالش را مي گند.
مگس کمي مي پرد دوباره مگس را مي گيرد و بال ديگرش را هم مي گند. او مي گويid: بپرولي مگس
نمي پرد. به خود مي گويid: به تجربه ثابت شده است اگر دو بال مگس را بکنيد گوش او كر مي شود

Таржимаси:

Исботланган тажриба

Мулла Насриддин ўз хонасида ўтирад эди. Бир хира пашиша унга тинчлик бермасди. Насриддин паишани тутиб олибди ва бир қанотини узиб олибди. Пашиша бир оз учганидан кейин уни тутиб олиб, иккинчи қанотини ҳам узиб олибди. Кейин паишага қараб: “Уч” – дебди. Бироқ пашиша уча олмабди. Шунда Насриддин ўзига ўзи дермиш: “Агар паишанинг икки қаноти узиб олинса, қулоқлари кар бўлиб қолиши тажрибадан исботланди”.

گريهه بر مرده

روزي ملانصرالدين به دنبال جنازه يي یکي از ثروتمندان مي رفت و با صدای بلند گريهه مي کرد. يکي به او "دلاري داد و گفت: "این مرحوم چه نسبتی با شما داشت؟"
"ملا جواب داد: "هیچ! علت گريهه من هم همين است

Таржимаси:

Марҳумга йиглаш

Кунлардан бир кун Мулла Насриддин бой кишилардан бирининг жанозасига борар ва баланд овозда йиглар эди. Атрофдагилардан бири унга тасалли бериб: “Марҳум сизга ким бўлади?” – деб сўради.

“Ҳеч ким бўлмайди! Йигимнинг асл сабаби ҳам шунданда” – деб жавоб берибди Насриддин.

وظيفه و تكليف

روزي ملانصرالدين بدون دعوت رفت به مجلس جشني
"يكي گفت: "جناب ملا! شما که دعوت نداشتی چرا آمدي؟
مانانصرالدين جواب داد: "اگر صاحب خانه تکلیف خودش را نمی داند
"من وظیفه‌ی خودم را می‌دانم و هیچ وقت از آن غافل نمی‌شوم"

Таржимаси:

Вазифа ва тақлиф

Бир куни Мулла Насриддин тақлифномасиз байрам тадбирига борди.
Бир киши деди: "Жаноб Мулла, сиз тақлиф қилинмагансиз-ку! Нега келдингиз?" Мулла Насриддин эса шундай жавоб қилди:

"Агар уй әгаси ўз вазифасини билмаса, мен ўз вазифамни жуда яхши биламан ва ҳеч қачон буни эътибордан четда қолдирмайман".

Шундай қилиб, эрон халқ латифалари оғзаки ижоднинг ажралмас қисми сифатида қадимги қадриятларнинг дурдоналаридан ҳисобланади. Уларда Мулла Насриддин тимсолида халқнинг ўз фарзандлариға ҳар қандай мушкул шароитнинг ҳам муносиб ечими борлигини уқтиришга даъват сезилади. Энг муҳими, ана шу ечимни топа билиш маҳоратида. Миллатнинг табиатини билмоқчи бўлган инсон латифаларни тинглаш, тушуниш, ҳис қилиш, қолаверса, маза қилиб кулиш орқали муҳим маълумотлар билан танишади.

Маълумки, ҳажв бирор шахсни танқид қилиш, аёвсиз қоралаш, камчиликларини санаб, айблаш мақсадида яратилувчи асар, адабий жанр. Аввал араб шеъриятида кенг тарқалган X.ларда рақибни қоралаш, шарманда қилиш учун ёлғон уйдирмалар тўқиши, жисмоний нуқсонларни юзга солиш, ҳатто уятсиз сўзларни ишлатиш ҳам одатий бўлиб, баъзан X.нинг ҳақорат ва тухматга айланиб кетиши ҳоллари ҳам учраган. Эрон халқ оғзаки ижодида ҳажв **هجو** - "ҳажв", – **هزل** "ҳазл", **طنز** - "танз", **فکاهت** - "факоҳат" каби атамалар билан номланади.

Ҳажвнинг конкрет шахсга йўналтирилганлиги унда субъективликнинг кучайишига замин яратади, яъни муаллифнинг ўша шахсга муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қолиши мумкин бўлади. Шу боис ҳам ҳажвнинг қадимги намуналарида, айниқса, форс ёзма ва халқ оғзаки адабиётида аёвсиз

танқид ортида шоирнинг шахсий манфаатлари туриб қолиши кўп кузатилади. Лекин ҳақиқий шоирлар ҳажвга ҳамма вақт халқ манфаатини кўзлаган ҳолда қўл урганлар, танқид қилинаётган шахсда ижобий хислатларни шакллантириш, халқа фойдаси тегадиган инсонга айлантиришни мақсад қилганлар. Юқорида айтилганидек, бу ҳажвлар энди ўзида сатирага хос хусусиятларни ҳам мужассам этган, гарчи конкрет шахс объект қилиб олинса-да, улар ижтимоий ҳаётдаги ҳолатларни умумлаштириб танқид қилишга қаратилгандир. Буни форс мумтоз адабиётининг буюк ҳажв устаси Убайд Зоконий ижодида яққол кузатишими мумкин. Убайд Зоконий форс адабиётида ҳажвчилик тараққиётига катта ҳисса қўшган шоир бўлиб, ўз замонидаги камчиликларни, кишилар табиатидаги салбий хислатларни қаламга олиб ҳажв қиласр экан, бунда у назокат ва алоҳида маҳорат кўрсатган. Убайд ҳаётда шўх ва ҳазилкаш одам бўлган. Унинг охирги кунлари ҳақида шундай латифа мавжуд:

Ўлим олдидан шоир ўғилларини чорлаб:

— Мен йиққан бойлигимни фалон жойга кўмиб қўйганман, мен оламдан кўз юмгач, бориб очасизлар,— деган эмиш.

Фарзандлар оталарини дағн этгач, унинг айтган жойини кавлаб кўрсалар, ул ердан бир варак қоғоз чиқибди, унда қуидаги байт ёзилган экан:

خدا داند و من دانم و تو هم دانی
که یک فلوس ندارد عبید زکانی

(Худо билади, мен биламан, сен ҳам билгин-ки,

Убайд Зоконийнинг бир чақа ҳам бойлиги йўқдир.)⁵⁹

Шундай қилиб, латифалар ва ҳажвларда форсларнинг кулгисевар халқ экани яна бир бор ўз исботини топганига гувоҳ бўламиз. Халқ вакилларининг сўзга чечанлигини намойиш қилишда латифалар ва ҳажвлар яхшигина восита вазифасини бажарган.

⁵⁹ М.И момназаров. Форс адабиёти (Х-XV асрлар). – Т., 2019.226-с.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНинг лирик турлари

6. МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ

Эрон фольклори мазкур мамлакат халқларининг яшаш шароити, иқлими ва минтақалар кўлами жиҳатидан ниҳоятда кенг ва турли-тумандир. Фольклорнинг бошқа жанрлари қаби халқ оғзаки ижодининг лирик турлари бўлган маросим қўшиқлари, аллалар, топишмоқлар ва мақолларнинг ҳам хилма-хиллигини кузатишимиз мумкин.

Масалан Хурсон, Қоин, Шероз, Гилон, Озарбайжон, Кермон, Курд, Туркман халқларининг маросим қўшиқлари, мақол ва аллалари бир-биридан фарқ қиласди. Лекин булар барчаси бир бутунликда эрон халқ оғзаки ижодини ташкил қиласди.

Форс маросим қўшиқлари келиб чиқиши, тузилишига кўра қўйидаги икки-дунёвий ва диний йўналишда тадқиқ этиш мумкин. Кийим-кечак, озиқ-овқат, уйжой, иш, меҳнат, никоҳ ва оилавий муносабатлар – буларнинг барчаси маросим қўшиқларидаги моддий унсурлар ҳақида далолат беради. Диний-маънавий йўналишдаги қўшиқларда эса эътиқод ва ишонч, самимийлик, дўст билан бирлашишга бўлган интилиш, айрилиқ, мусофиричилик, ғурбат, миннатдорлик ва оқибатсизлик, ўз кучига ишонч, орият, ўқинч, тақдир и шикоят кабилар ўз ифодасини топади. Қўшиқларнинг сўзлари мураккаб эмас, уларнинг барчаси аторофни ўраб турган мухит ва ижтимоий-маиший ҳаёт ҳақида. Қўшиқларнинг содда вазни эса уларнинг янада гўзаллиги ва фиклар ифодасининг ўзига хослигига хисса қўшади.

Нима бўлган тақдирда ҳам, шуни эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, бу қаби ғоялар ва урф-одатлар ўзига хос анъана бўлиши билан бирга Эроннинг шонли кунларидан хотира сифатида ҳам қадрлидир.

Халқ оғзаки ижодидаги лирик тур ҳисобланган қўшиқ қўйидаги жанр хусусиятларига эга:

1. Қўшиқларда инсон кечинмалари, қалб изҳорлари акс этади. Шунинг учун улар лирик жинсга мансуб жанр деб ҳисобланади.
2. Қўшиқ шаклан шеърий кўринишда бўлади. Ўзбек халқ қўшиқлари, асосан, бармоқ вазнда, баъзан арузда яратилади.

3. Кўпинча, халқ қўшиқлари тўрт мисрадан иборатдир. Гўзал руҳий ҳолатни ифодалаш хусусиятига эга. Айни пайтда бир неча бандлардан иборат муайян мавзуни ёритувчи қўшиқлар ҳам бор.

Кўшиқнинг куйи бўлади. Бирор асбоб жўрлигида айтилади. Аксари халқ қўшиқлари ижросида асбоб жўрлиги шарт эмас. Ижрочилар хониш усулида қўшиқ айтиши мумкин.

Маросим қўшиқлари мусика фольклорининг мураккаб ва муҳим жанрларидандир. Санъатнинг баъзи бир томонлари, халқ маънавий маданияти, шеърияти, турмуш тарзи маросим қўшиқларида ўзига хос равища намоён бўлган ва у билан бирлашиб кетган. Маросим қўшиқлари эрон халқи ҳаётини, тарихи, этнографияси, диний эътиқоди билан боғлиқлиги, уларда сўз ва куй мутаносиблиги муҳим роль ўйнайди ва аҳамият касб этади.

Эрон халқи жуда бой, хилма-хил анъаналарга эга. Буларни ижтимоий муносабатлар турларига қараб шартли равища табиат, географик мухит, меҳнат турлари, миллий турмуш ва маданиятга доир анъаналарга бўлиш мумкин. Форс халқининг ўзига хос иқлими, аҳолининг машғулоти, хўжалик фаолиятидаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Маиший турмушда мусика ва шеъриятнинг ўрни, сўз, рақс ва томоша санъатларининг сехрли кучидан фойдаланишда ўзига хос анъаналар юзага келган. Маросимда урф-одатлар қўшиқлар билан бир бутунликда олинади. Зоро, маросимнинг тарихий тақомилини кўриш учун қўшиқларнинг бадиий образи муҳим ўрин тутади. Кўшиқлар меҳнаткаш халқни моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма томонлари билан маҳкам боғланган бўлиб, улар муайян тарихий тараққиётда инсоният тафаккури даражасига қараб турмушни ўзига хос образларида бадиий акс эттиради. Кўшиқлар ўзларида энг қадимий тушунчалардан тортиб турли даврларнинг ҳар хил қатламларини ҳам сақлаганлар.

Наврўзнинг келиши, биринчи гулнинг очилиши; ёмғир, шамол ва қорларни чақириш, шамолни тўхтатиши, “Рамазон” қўшиқлари, фарзанд туғилиши, ёшларни никоҳлаш, марҳумни дағн этиш, касални даволаш сингари воқеаларга маҳсус

маросим қўшиқлар, чолғу куйлар ва дуолар бағишланган. Маросимларда хатти-ҳаракат ва сўз воситалари қаторида мусиқа муҳим ўрин тутади.

Халқ оғзаки ижодининг маросим қўшиқлари, мусиқа ва рақс қадимги Эронда ҳамиша бирга ривожланган. Бизгача етиб келган тарихий ҳужжатларда келтирилишича, Эрон маросим қўшиқлари ва рақс санъати олти минг йиллик тарихга эга. Бунга исбот тариқасида Исфаҳон ўстонининг Кошон шаҳридаги Сиалк тепалигидан топилган сопол парчасида акс этган дастрўмол рақси тасвири (милоддан аввалги 3600 йилларга мансуб), Ҳамадондаги Наҳованд шаҳарчасидан топилган айлана солиб рақс тушаётган аёллар грухи акс этган сопол парчаси, Чашмайи Айюб⁶⁰ қошида рақсга тушаётган бир неча аёллар акс этган сопол парчаси (Бу икки сопол парчалари Париждаги Лувр музейида сақланади), милоддан аввалги мингийилликка бориб тақаладиган Кермоншоҳдаги Тапейэ Сабз тепалигидан топилган бир грух рақсга тушаётган одамлар акс этган сопол парчаларини келтириш мумкин. Бундан ташқари, эронликларнинг бир маромдаги ритмик ҳаракатлари ва рақслари ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг “Ал осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида ҳам маълумотлар берилган.

Аҳамонийлар даврида империя пойтахти Персеполиснинг Чехел менор залларида грух бўлиб диний қўшиқлар ва рақслар ижро этилган. Аҳамоний шохи Ксеркс I саройида эса рақслар мусиқа ва овоз жўрлигига ижро этилган. Қадимги юонон ёзувчиси Ксенофонтнинг форс подшоҳи Кирнинг ҳаёти ва ҳукмронлиги ҳақидаги “Кирнома” асарининг биринчи бобида подшоҳ саройида форсий расм-руслар асосида рақслар ижро этилиши ҳақида ёзади.

Умуман олганда ислом кириб келишидан олдинги эрон маданияти ва цивилизация тарихида қўшиқ ва мусиқа санъати ниҳоятда ривож топган. Орий қавмлари қадим замонлардан турли қўшиқлар, мусиқа санъати билан яқиндан ошно бўлишган ва турли хил мусиқий асбоб-ускуна, анжомларни ясашда, гўзал тароналар ва оҳангларни тартиблашда ҳам моҳир бўлишган. Улар паррандалар

⁶⁰ Эроннинг Рай шаҳрида жойлашган археологик ёдгорлик

товушлари, булоқ замзамаси, илҳомбахш шамол эсишидан таъсирланиб куй-кўшиқлар, мусиқалар яратишга ҳаракат қилганлар.

Диний маросим қўшиқлари ва рақслар учун қўзғатувчи омилларга эҳтиёж бўлган, мусиқа диний маросимларда ва умуман эронликларнинг ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Нафақат қадимги эронликларнинг, балки бутун жаҳоннинг энг қадимий тароналаридан бири бўлмиш Готлар эрон тароналари қадимийлигининг энг яхши намунасидир.

Аҳамонийлар даврида мусиқа диний хусусият билан бир қаторда жанговар характер ҳам касб эта бошлаган. Аҳамонийлар даврида санъат ва маданиятнинг бошқа турлари қаторида куй-кўшиқлар, мусиқа ва рақс санъати ҳам равнақ топди.

Парфия подшоҳлиги даврида ҳам худди Аҳамонийлар даврида бўлгани каби диний ва жанговар мусиқа ва рақслар ижро этиларди.

Шу тариқа маросим қўшиқлари ва мусиқа санъати узоқ тарихдан мавжуд бўлиб, бирорта маросимни қўшиқларсиз тасаввур этиш қийин. Маросимларга кўра қўшиқлар ҳам мавсумий, оилавий-маиший ва диний-ибодат турларига бўлинади. Эронликлар серқирра мавзуси ҳамда жанрларнинг турли-туманлиги билан характерланувчи қадимий маросим қўшиқлари ва уларнинг ижрочилик усуулларига эга.

Маросим кушикларининг келиб чиқиши, маҳаллий хусусиятлари, ижро шакли, максади ва вазифалари алоҳида-алоҳида тадбирларга боғлик. Ана шундай тадбирларнинг аксарияти кўп холларда оилавий ёки мавсумий шароитда юзага келган. Шунинг учун ҳам уларни аҳоли “оилавий”, “мавсумий” ва “мехнат” маросимлари деб атаган. Бу ҳол ўз навбатида, мазкур вазият қўшиқларини ижро шаклига кўра қатор тур ва туркумларга ажратишни тақозо этади.

Оилавий маросимларнинг юқори савияда ўтишида, албаттa, уларда анъанавий ўрин тутган куй ва қўшикларнинг аҳамияти бениҳоя қатталиги ўз-ўзидан равшан. Хоҳ у тўй маросими, хоҳ мотам маросими бўлсин, унда маълум кўринишлардаги оҳанг ифода этилиши анъана тусига кирган.

Эроннинг барча минтаقا ва худудларида маросим қўшиқлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос мусиқий тили ва шеваси, шакл ва маҳаллий ижро

услублари билан ажралиб туради. Куйида Хурросон минтақасида келинни күёвнинг уйига олиб кетишаётганда айтиладиган “**مبارک باد**”⁶¹ – "Муборакбод" қўшиғини келтирамиз:

Форсчаси:

амشب چешибист شب مراد аст امشب
 امشب چهшибист شب مراد аст امشب
 این خانه پر از شمع و چراغ است امشب
 این خانه پر از شمع و چراغ است امشب
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 کوچه تنگه بله عروس قشنگه بله
 کوچه تنگه بله عروس قشنگه بله
 دست به زلفاش نزنید مرواری بنده بله
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 این حیاط و اون حیاط میریزэн نقل و نبات
 این حیاط و اون حیاط میریزэн نقل و نبات
 به سرعروس و دوماد میریزэн نقل و نبات
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 کوچه تنگه بله عروس قشنگه بله
 کوچه تنگه بله عروس قشنگه بله
 دست به زلفاش نزنید مرواری بنده بله
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 عروسی شاهانه ايشالا مبارکش باد
 جشن بزرگانه ايشالا مبارکش باد
 گل به گلستانه ايشالا مبارکش باد
 نوبت مستانه ايشالا مبارکش باد
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 مبارک و مبارک ايشالا مبارکش باد
 عروسی شاهانه ايشالا مبارکش باد
 جشن بزرگانه ايشالا مبارکش باد
 گل به گلستانه ايشالا مبارکش باد
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 بادا بادا مبارک بادا ايشالا مبارک بادا
 اى شمع تو مسوز كه شب دراز است امشب

Ўзбекчаси:

Бу тун қандай тундир, бу тун мурод туни
 Бу тун қандай тундир, бу тун мурод туни
 Бу хона шамъ ва чироқ билан ёруғдир
 Бу хона шамъ ва чироқ билан ёруғдир
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Кўча тордир, ҳа, келин гўзалдир, ҳа
 Кўча тордир, ҳа, келин гўзалдир, ҳа
 Зулфига қўл теккизманг, марваридлидир, ҳа
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бу ҳовли-ю у ҳовли сочади нўқл⁶²-у новвот
 Бу ҳовли-ю у ҳовли сочади нўқл-у новвот
 Келин-куёв бошидан сочарлар нўқл-у новвот
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Кўча тордир, ҳа, келин гўзалдир, ҳа
 Кўча тордир, ҳа, келин гўзалдир, ҳа
 Зулфига қўл теккизманг, марваридлидир, ҳа
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Шоҳана тўй муборак бўлсин
 Катта байрам, тўйлар муборак бўлсин
 Гулистонга гул муборак бўлсин
 Бу чиройли мастиона, тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Шоҳана тўй муборак бўлсин
 Катта байрам, тўйлар муборак бўлсин
 Гулистонга гул муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Эй шам сен ёнмагин, бугун узун тундир
 Эй субҳ сен отмагин, ноз тунидир бу кеча
 Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин
 Бошини юқори кўтартган – менинг ёримдир
 Дастрўмоли билан иссиқни ҳайдоётган –

⁶¹ Мазкур қисмдаги маросим кўшиклари таржимаси О.Турдиевага тегишли.

⁶² Шакарли ёнғоқ, писта, бодомдан тайёрланадиган шарқ қандолат махсулот туридир

ای صبح تو مدم وقت ناز است امشب
بادا بادا مبارک بادا ایشالا مبارک بادا
آن يار منست كه مى رود سر بالا
دسبمال به دست و مى زند گرمara
محمل بزنييد سايە كنيد صحرارا
آفتاب نزنه شاخ گل رعنارا
بادا بادا مبارک بادا ایشالا مبارک بادا

менинг ёримдир
Бахмал тутиб саҳрони соя қилинг
Раъно гулининг шохини офтоб урмасин
Бўлсин, бўлсин тўйлар муборак бўлсин

Бундан ташқари Хурросон (Машҳад ва унинг атрофлари) аҳолиси тўйларда беназир, бошқа минтақаларда ўхشاши йўқ ёқимли тароналарни куйладилар. Шундай қўшиқлардан яна бири хина суриш маросимида айтиладиган қўшиқ:

به دست و پا مبنده	عروس حنا مبنده،
چه خوش ادا مبنده	حنای رای کاشون
دسمال به دست و می زنده گرما را	آن بار منه که می روه سربالا
گرما نزنه شاخ گل رعنارا	مخمل بخرم سایه کنم صحرارا
عاشق نما مبنده	بسام حنا مبنده،
به دست و پا مبنده	حنای اصل کرمون
از کوچه در آمدی خندو خندو	
چشمت به منست و چادرت وردندو	
چشمت به منست و چادرت می لرزد	
یک بوسه‌ی تو به عالمی می ارزو	
به دست و پا مبنده	عروس حنا مبنده
عاشق نما مبنده	حنای اصل نهرون
مانند خودت سرخ و سفیدی دادی	از کوچه در آمدی و سیبی دادی
در نقره گرفتم و به جیم دارم	سیبی که تو داده‌ای هنوزش دارم
عاشق نما مبنده	بسام حنا مبنده
به دست و پا مبنده	حنای اصل ایرون

Таржимаси:

Келин хина суради, қўл-оёғига суради

Кошоннинг хинасини ишва билан суради.

Бошини баланд кўтариб кетаётган менинг ёримдир

Дастрўмли билан иссиқни елтиган менинг ёримдир

Бахмал сотиб олай, соя қиласай саҳрони

Куёши урмасин ул гули раънони

*Ёрим хина суради, ошиқнамо суради
Кермоннинг асл хинасини қўл-оёғига суради
Кўчадан кириб келдинг кулиб кулиб
Кўзларинг мендаю чодиринг тишлаб
Кўзларинг мендаю чодиринг титрап
Сенинг бир бўсанг дунёга арзир
Келин хина суради, қўл-оёғига суради
Теҳроннинг асл хинасини ошиқнамо суради.
Кўчадан кириб келиб олма узатдинг
Ўзинг каби оқ-қизил олма узаттинг
Сен берган олма ҳали ҳам менда
Гўё кумуш бердинг, ҳали ҳам чўнтағимда
Ёрим хина суради, ошиқнамо суради
Эроннинг асл хинасини қўл-оёғига суради.*

Гувоҳи бўлаётганимиздек, азал-азалдан тўй маросимлари эл-улус, қавм-қариндошлар ҳамжиҳатлигига кенг, байрамона кайфиятда тантана қилиниб ўтказилган. Халқ дунёқарashi, ижтимоий-сиёсий, майший-эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилувчи маросим қўшиқлари ўнлаб жанрлари ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Эронликларнинг маросим қўшиқлари кўп асрлар давомида шаклланиб, турли даврда яшаб, халқ руҳиятидан озиқланган ҳолда бугунги кунгача етиб келмоқда.

7. АЛЛАЛАР

Халқ қўшиқларининг энг гўзал қирраларидан бири аллалар (оналар алласи, бувилар алласи), болаларга эркалама айтимлар ҳисобланади.

“Теварак-атрофдаги инсонларга муносабат боланинг шахс сифатида шаклланиши учун катта аҳамиятга эга. Онанинг фарзандига оила аъзоларини таништириш, болани қуршаб турган ашёлар номини аташ, уларга нисбатан маълум муносабатни шакллантириш йўлидаги ҳаракатларига ҳам қўшиқ қўмакдош. Болага қўшиқ воситасида етказиладиган маълумотлар, таъкидлар

шунчалар кўп ва ранг-барангки, бизнинг назаримизда, аллаларда фарзандга бериладиган оилавий тарбиянинг барча низомий тушунчалари қамраб олингандай”, – деб ёзади фолклоршунос М. Ёкубекова.⁶³

Дарҳақиқат, алла қўшиқларига инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ота-онани қадрлаш каби туйғулар сингдирилган. Уларда ахлоқ-одоб, тарбиявий мезонлар халқона, содда тилда, равон сингдирилган.

